



## МОТУРИДИЙ ТАЪЛИМОТИГА БАҒИШЛАНГАН ХАЛҚАРО АНЖУМАН ЯКУНЛАНДИ

Аброр УМАРҚУЛОВ

Кўхна ва ҳамisha навқирон Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтган “Имом Абу Мансур Мотуридий ва мотуридия таълимоти: ўтмиш ва бугун” мавзудаги халқаро конференция ўз ишини яқунлади.

Икки кун давом этган мазкур халқаро анжуманда қирқдан ортиқ маъруза тинланди. Имом Абу Мансур Мотуридий шахси ва ақидавий қарашлари, мотуридийликнинг мафқуравий асоси, мотуридия калом мактабига оид янги манбалар, ушбу таълимотнинг бугунги кундаги аҳамияти ҳақидаги фикрлар билдирилди.

Жумладан, Туркия ислом илмлари академияси мудир Аҳмад Саъд Иброҳим Абдурахмон Усмон Даманхурий айрим ёшлар ўзини шариат билимдони қилиб кўрсатган кишиларнинг нотўғри талқини оқибатида аҳли сунна вал жамоадан бўлган ашъарийлик ва мотуридийлик таълимотларидан йироқлашатишни, оқибатда братли маънавий меросдан узилиб қолаётгани ҳақида сўз кўрди.

Малайзия ислом илмлари университети профессори Камолиддин Нуриддин Маржуний мотуридия таълимоти аҳли сунна ақидасини ҳимоя қилиш, унинг рақибларига раддия беришда улкан фазилатларни намён этиб бораётгани, унинг таассубдан йироқлиги, муътадиллиги, ислом ғояларини бағрикенглик тамойилига мос тушуштириши билан барчага ўрнатилган қўлайлигини таъкидлади.

Шунингдек, яқини ялпи йиғилиш давомида анжуман иштирокчилари томонидан билдирилган таклиф ва мулоҳазалар асосида тавсиялар ишлаб чиқилди. Ушбу тавсияларда Имом Мотуридийнинг бой илмий мероси, ибратли ҳаёт йўли билан боғлиқ ўрганилмаган жиҳатларни тадқиқ этиш, аллома асарларидаги инсонпарварлик, бағрикенглик ҳамда адашган тоифаларга қарши раддия бериш борасидаги қимматли маълумотлардан самарали фойдаланиш, ушбу йўналишда ўзаро ҳамкорликни йўлга қўйиш масалаларига алоҳида ургу берилган.

Давоми 2-бетда

### МУНОСАБАТ

## НАВРЎЗ – ҚАДИМИЙ ҚАДРИЯТЛАРИМИЗ ТАНТАНАСИ

Жобир ХЎЖАҚУЛОВ,  
“Дунё” АА

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг “2020 йилги Наврўз умумхалқ байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида”ги қарорига кўра халқимизнинг қадимий ва тарихий байрамини жойларда умумхалқ сайиллари шаклида юқори савияда нишонлаш белгиланди. Бу йилги Наврўз шодийналари “Наврўзинг – янги кун, янги давронинг муборак, жонажон Ўзбекистони!” деган эзгу гоғия ўзида мужассам этди.



Президент қарориди халқимиз миллий юксалиш ва миллий тараққиётнинг янги босқичига қадам қўйган ҳозирги вақтда барча эзгу қадрият ва анъаналаримиз қатори Наврўз байрамининг ҳам ҳаётимиздаги ўрни ва аҳамияти тобора ортиб бораётгани алоҳида кайд этилган.

Айниқса, ушбу қадимий байрамнинг руҳи ва фалсафасида мужассам бўлган яшариш

ва янгилиниш, яхшилик ва бағрикенглик, табиати асраб-авайлаб, доимо у билан уйғун яшаш каби ўлмас гоғлар бугунги кунда мамлакатимизда амалга оширилатган кенг қўламли ислохотларнинг асосий мақсади ва маъно-мазмунига гоғат ҳамохан эканини таъкидлаш лозим.

Давоми 2-бетда

### НУҚТАИ НАЗАР

## МАКТАБЛАРДА ТАЪЛИМ БИРЛАМЧИМИ ЁКИ ТАРБИЯ?

Камол МАТЁҚУБОВ,  
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист

Куни кеча Президентимиз халқ таълими тизими бўйича йиғилиш ўтказди. Унда тизимдаги муаммолар, долзарб масалалар, устувор вазифалар ҳусусида сўз борди. Хусусан, йиғилишда янги турдаги мактабларни барпо этиш, аввалгиларни босқичма-босқич замон талабларига мослаштириш, дарслик ва адабиётлар сифатини ошириш зарурлиги таъкидланди.

Давлатимиз раҳбарининг халқ таълимига бунчалик қайғураётгани, уни ислох қилишни жадаллаштириш чораларини кўраётгани бежиз эмас. Зеро, илғор халқ таълими узок муддатли барқарор тараққиётнинг асосий омилларидан биридир. Бу борада эса бизда ҳозирча муаммолар ва долзарб масалалар анчагина. Президентимизнинг 2019 йил 26 ноябрдаги қарори асосида 2021 йилгача мактабларнинг камда 3 фоизи, 2025 йилгача 20 фоизи, 2030 йилга қадар эса 50 фоизини “Замонавий мактаб”ларга айлантиришнинг асосий параметрлари белгилангани зарурати ҳам шундан деб биламан.

Мактабларнинг асосий фаолияти ўқувчиларга таълим бериш, уларнинг иқтидорини шакллантириш, билимни қилиб тарбиялашдан иборат. Лекин собиқ шўролар даврида бу тизим аввал тарбия, кейин таълим шаклига ўзгартирилди. Негаки, шўроларга илми, иқтидорли ёшлардан кўра, ҳар бир топшириқни қўлқоқмай бажарадиган, итоаттўй фуқаролар керак эди.

Давоми 4-бетда

### РАҚАМЛИ ТЕХНОЛОГИЯЛАР

## IT PARK — ЁШЛАРГА ҚАРАТИЛГАН ЙИРИК ЛОЙИҲА



Шерзод АХМАТОВ,  
Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги матбуот котиби

Давлатимиз раҳбари Олий Мажлисга Мурожаатномасида “Тараққиётга эришиш учун рақамли билимлар ва замонавий ахборот технологияларини эгаллашимиз зарур ва шарт”, дея алоҳида таъкидлади. Бу бежиз эмас. Чунки, бу юксалишнинг энг қисқа йўлидан бориш имкониятини беради. Зеро, бугун дунёда ахборот технологиялари барча соҳаларга чуқур кириб бормоқда. Албатта, рақамли иқтисодий шакллантириш керакли инфратузилма, кўп маблаг ва меҳнат ресурсини талаб этди.

Рақамли технологиялар нафақат маҳсулот ва хизматлар сифатини оширади, балки ортиқча харажатларни камайтиради. Давлат ва жамият бошқаруви, ижтимоий соҳада ҳам уларни кенг жорий этиб, натижадорликни ошириш, бир сўз билан айтганда, одамлар турмушини кескин яхшилаш мумкин.

Бу соҳани ривожлантириш ва экспорт салоҳиятини ошириш мақсадида Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ҳузурида пойтахтимизнинг

Мирзо Улугбек туманида Дастурий маҳсулотлар ва ахборот технологиялари технологик парки барпо этилди. Давлатимиз раҳбари 2019 йил 20 ноябрь куни ушбу паркка ташриф буюриб, бу ердаги шароитлар билан яқиндан танишди. Соҳа ривожига янада кенг шароит яратиш мақсадида IT Park нинг янги босқичи қурилишига тамал тоши қўйди.

Давоми 2-бетда

Шавкат Мирзиёев Навоий кон-металлургия комбинатини ислох қилиш масалалари бўйича йиғилиш ўтказди.




НКМК мамлакатнинг йирик sanoat корхонаси бўлиб, олтин, уран, нодир металллар, қурилиш ва дастгоҳсозлик sanoati учун зарур маҳсулотлар, кенг турдаги халқ истеъмол товарлари ишлаб чиқаради.

Комбинат юртимиздаги жами истеъмол маҳсулотининг 10 фоизини ва бюджет даромадини 18 фоизини таъминлайди. Унда 54 мингдан зиёд ходим ишлайди.

НКМК хомашё ресурсларининг ҳажми бўйича жаҳондаги олтин ишлаб чиқарувчи корхоналар орасида учинчи ўринда туради. Лекин активларининг қиймати хорижий компанияларга нисбатан анча кам.

2026 йилга қадар корхонада ишлаб чиқариш ҳажмини 94 тоннага етказиш, бунинг учун 4 миллиард долларлик 40 та лойиҳани амалга ошириш кераклиги таъкидланди. Жумладан, лойиҳа қиймати 525 миллион доллар бўлган янги конни ўзлаштириш бўйича кўрсатмалар берилди.



Ҳозирги кунда комбинатнинг баланс қиймати 1,3 миллиард долларга тенг, шу даражадаги хорижий корхоналарнинг бозор нархи 11 миллиард долларни ташкил этади.



2017-2019 йилларда 1,2 миллиард доллар маблаг эвазига 8 та объект ишга туширилган. Натижада охириги уч йилда олтин ишлаб чиқариш ҳажми 2,5 фоиз, қумуш олиш 37 фоиз ошган.



НКМКнинг корпоратив евро облигацияларини чиқариш масаласига тўхталиб ўтилди. 3,7 минг тонна олтин захираси халқаро стандартлар асосида баҳоланиб, корхона балансида акс эттирилиши зарурлиги белгиланди.

МУНОСАБАТ

# НАВРЎЗ – ҚАДИМИЙ ҚАДРИЯТЛАРИМИЗ ТАНТАНАСИ

Бошланиши 1-бетда

Ўртимизда миллатлараро дўстлик ва тотувлик муҳитини мустаҳкамлаш бўйича амалга оширилаётган тизимли ишларнинг амалий натижалари, Ўзбекистон фуқароси бўлган турли миллат ва эллик вакилларнинг Наврўз нишонлашга оид урф-одатлари, анъана ва қадриятларини кенг намойиш этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Наврўзи оламнинг уч минг йиллик тарихи билан боғлиқ турли маълумотлар мавжуд. Жумладан, Абу Райхон Беруний бундай ёзади: "Наврўз ўтмиш замонларда қуёшнинг саратон буржиги кириш пайтига тўғри келар эди. Сўнгра у орқага сурилган, баҳорда келадиган бўлди. Энди у бутун йил унга хизмат қиладиган бир вақтда, яъни баҳор ёмғирининг биринчи томчилиги тушишдан гуллар очилгунча, ҳайвонларда уйғониш мавсуми бошланишдан то насл вужудга келгунча давом этган вақтда келди. Шунинг учун Наврўз оламнинг бошланиши ва яратилишига далил қилинган".

Наврўзга оид қайдлар қадимий Хитой солномаларида ҳам учрайди. Хусусан, муаррих Вэй Цзе Самарқандликлар нишонлаган Наврўз байрами ҳақида бундай ёзган: "Уша куну подшоҳ ҳам, халқ ҳам янги либосларини кияди, соч-соқолларини олдиради. Шаҳарнинг кунчиқар тарафидидаги дарахзор ёнида жойлашган майдонда тўпланишиб, байрам қилишади. Етти кун мобайнида моҳир тирандозлар от чоптириб, камондан нишонга ўқ отиш баҳсида қатнашади. Еттинчи кун нишон ўрнида олтин танга қўйлади ва уни беҳато урган мерган бир кун шохлик қилиш ҳуқуқини қўлга киритади".

Шундан билиш мумкинки, Хитойдан то Болқонга қадар чўзилган минтақада муайян халқлар, хусусан, Эрон, Афғонистон, Ироқ, Сурия, Озарбайжон, Баҳрайн, Ливан, Покистон, Ҳиндистон, Марказий Осиё мамлакатлари, Туркия, Албания ҳамда бошқа ўлкалардаги миллатлар баҳорги тенгқунликни бир неча минг

йилдан бери тантана қилиб келмоқда.

Наврўз 2009 йил 30 сентябрь куні ЮНЕСКО томонидан инсониятнинг номоддий маданий мероси рўйхатига киритилди. 2010 йил 19 февраль куні БМТ Бош Ассамблеясининг 64-сессиясида 21 мартни Халқаро Наврўз куні сифатида нишонлаш тўғрисида қарор қабул қилинди. Бу байрам эндиликда халқаро ҳамкорликни ривожлантиришда муҳим роль ўйнаётганига ҳеч қандай шубҳа қилмайди. БМТ қарорига кўра, Наврўз нишонланадиган мамлакатлар байрам билан боғлиқ анъана ва унинг келиб чиқиш тарихини ўрганиб, бу меросни халқаро миқёсда кенг тарғиб қилмоқда.

Шу тариқа Наврўз бирор-бир миллат ёки маданиятнинг байрами сифатида эмас, балки бутун инсоният меросининг ажралмас қисмига айланди. Наврўз яхши кўшчилик, ҳамкорлик, маданиятлараро мулоқотни рағбатлантиришга хизмат қилиши шубҳасиз.

БМТнинг саккизинчи Бош котиби Пан Ги Мун ҳам Наврўз инсоният маданиятининг бир қисми эканига алоҳида уру берганди. "Наврўз – бу бугунги чегаралар ва ихтилофлардан қадимийроқ байрам. У чегаралар муҳим эмаслиги, барчамиз инсон

фарзанди эканимизни эслатиб туради. Шу тариқа, Наврўз ўртадаги тусиқларни бузиб ташлаб, ўзаро ишонч муҳитини мустаҳкамлайди. Қадимда Наврўз байрами куні урушлар тўхтатилган, гина-қудуратлар, аразлар унутилган. Наврўзда хилма-хил маданиятлар бирлашади. Шунинг учун ҳам ушбу байрам барчага намунадир", деб қайд этганди у.

Наврўз тантаналари кенг халқаро жамоатчилик, хусусан, хорижий давлатларнинг Ўзбекистондаги дипломатик ваколатхоналари вакилларида ҳам катта таассурот қолдирмоқда.

"Ўзбекистонда ишлаган пайтимда бу аjoyиб байрамда бир неча бор иштирок этганман. Ўзбекистоннинг ноз-неъматларига бой заминда яшаётганларнинг барчаси Наврўзни хуш кайфият ва катта завқу шавқ билан кутиб олади. Ўзбек халқини аjoyиб айём – Наврўз билан самимий мулоқотишга хизмат қилиши шубҳасиз. Фаровонлик, бахту иқбол ва фароғат тилашини истар эдим. Буюк ўзбек шоири Алишер Навоий таъбири билан айтганда, ҳар кунингиз Наврўз бўлсин", – дея қайд этган эди Хитойнинг Ўзбекистондаги Фавқуллоҳда ва мухтор элчиси лавозимида ишлаган Сунь Лицзе.



Германиядаги "Cultur-Cooperation International e.V." маданият жамияти директори Катлин Гёбель эса ушбу кутлуг айём ҳақида қуйидагиларни таъкидлайди: "Ўзбекистонда Наврўз тинчлик ва ҳамжиҳатлик муҳитида, жамият ҳаётининг турли соҳаларида улкан ютуқларга эришилаётган даврда шодиёна қилинаётгани қувонарлиқдир. Ушбу байрам ЮНЕСКО томонидан инсоният номоддий маданий мероси рўйхатига киритилган ва 21 март санаси БМТ томонидан Халқаро Наврўз куні деб эълон қилинган. Ушбу далил дунё ҳамжамияти Наврўзнинг инсонпарварлик, тинчлик, ҳамжиҳатлик ва яхши кўшчилик гояларини тарғиб қилишдаги аҳамиятини тан олганидан далолат. Биз Германия билан Ўзбекистон ўртасидаги маданий ва гуманитар алоқаларни янада мустаҳкамлаш учун ўзбекистонлик шерикларимиз билан ҳамкорлик қилишдан доим мамнунмиз".

Шу ўринда таъкидлаш жоиз, Наврўз кунлари мамлакатимизга чет эллик сайёҳлар оқими ҳам сезиларли даражада ортади. Президентимиз қарориди ҳам байрамнинг мазкур жиҳатларига алоҳида эътибор қаратилган. Хусусан, Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси олдида Наврўз умумхалқ сайилларига хорижий ва маҳаллий туристларнинг ташрифини ташкил этиш мақсадида кенг тарғибот ва тайёргарлик ишларини амалга ошириш вазифалари қўйилди.

Бир неча йилдирки, Наврўз кунлари "Ўзбекистон бўйлаб сەҳат қил" миллий дастури йўлга қўйилган. Бу байрам кунлари маҳаллий ва хорижий фуқароларнинг арзон, қулай нархларда сەҳат қилиши учун катта имконият бўлди.

Бундан ташқари, "Uzbekistan Airways" компанияси Наврўз байрами муносабати билан 21–23 март кунлари Ўзбекистон ҳудуди бўйлаб барча рейсларга 50 фоизгача чеғирмалар эълон қилди. Мазкур чеғирмалардан Ўзбекистон ва чет эл фуқаролари фойдаланиши мумкин.

Маълумотларга кўра, ўтган йили Наврўз байрами арафасида биргина Самарқанд шаҳрига ташриф буюрган чет эл фуқаролари сони ўртача 5 минг нафарни, бошқа вилоятлардан келган сайёҳлар эса 18 минг нафарни ташкил қилган.

Хулоса ўрнида айтганда, Наврўз ўзида янгиликни, яшарли, тинчлик, бунёдкорлик каби умумбаъшарий гояларни бирлаштириб келмоқда.

# МОТУРИДИЙ ТАЪЛИМОТИГА БАҒИШЛАНГАН ХАЛҚАРО АНЖУМАН ЯКУНЛАНДИ

Бошланиши 1-бетда



Анжуман қатнашчилари Ал-Азхар университети талабалари ва тадқиқотчилари ўртасида Имом Мотуридий асарлари ва мотуридия таълимоти бўйича анъанавий танлов ўтказиш, танлов ғолибларининг Ўзбекистонга илмий-ижодий сафарларини уюштириш ташаббусини билдирдилар.

Аллома асарлари библиографиясини яратиш, китобларини кўпроқ нашр этиш, уларда илгари сурилган гоя ва қарашларни содда тилда ёшларга ўргатиш, махсус сайт яратиш, Имом Мотуридий илмий мероси ва мотуридия таълимоти ҳақида маълумот бериб бориш, кутубхона ташкил этиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилди.

Анжуман қатнашчилари Ал-Азхар университети талабалари ва тадқиқотчилари ўртасида Имом Мотуридий асарлари ва мотуридия таълимоти бўйича анъанавий танлов ўтказиш, танлов ғолибларининг Ўзбекистонга илмий-ижодий сафарларини уюштириш ташаббусини билдирдилар.

Ушбу нуфузли анжуман доирасида Ўзбекистон халқаро ислом академияси билан Болгар ислом академияси ўртасида "Йул харитаси" имзоланди.

Шундай қилиб икки кун давом этган халқаро анжуман ўз ишини яқунлади.

Ялпи мажлис тугагач меҳмонлар Имом Мотуридий ва Имом Бухорий ёдгорлик мажмуаларига ташриф буюриб, улғур зотларнинг қабрларини зиёрат қилишди.

Бундан ташқари, анжуманга келган меҳмонлар Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази ва Ҳадис илми мактаби билан яқиндан танишишди. Дунё сайқали бўлган Самарқандда катта шуҳуқ билан ўтган халқаро конференция иштирокчилари бағрикенг, меҳмондўст ўзбек халқига, оламшумул ислохотлар билан дунё ҳамжамиятининг эътиборини қозонаётган, эътирофига сазовор бўлаётган ҳамда халқ манфаатлари йўлида улкан ислохотларни амалга ошираётган Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевга алоҳида миннатдорлик билдирдилар.

РАҚАМЛИ ТЕХНОЛОГИЯЛАР

# IT PARK — ЁШЛАРГА ҚАРАТИЛГАН ЙИРИК ЛОЙИҲА



Бугунги кунда IT Park филиал бизнесининг концепцияси ишлаб чиқилди. Филиал биноси қурилиш ости майдони 665 кв.м.га тенг бўлиб, 16 қаватдан иборат ва умумий майдони 11,3 минг кв.м.га тенг бино қурилиши бўйича тармоқ жадвали ишлаб чиқилди. Филиал биноси 600 та иш ўринга мўлжалланган бўлиб, 50 дан ортиқ янги IT Park резидент-корхоналарни жойлаштириш учун мўлжалланган.

етакчи технопарклар билан ҳамкорликни ривожлантириш муҳимлиги қайд этилди. Давлатимиз раҳбари томонидан қўйилган вазифаларнинг ижросини таъминлаш мақсадида Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги томонидан изчил ишлар олиб борилмоқда. Қисқа фурсатларда Сирдарё вилоятининг Гулистон шаҳрида IT Parkнинг биринчи филиали очилди. Наманган вилоятида ҳам IT Park филиали қурилиши билан боғлиқ савъ-харакатлар жадвал суръатларда олиб борилмоқда.

Президентимиз ўтган йил 27 декабрь куні Мухаммад ал-Хоразмий номидаги ахборот-коммуникация технологиялари йўналишига оид фанларни чуқурлаштириб ўқитишга ихтисослаштирилган мактабга ташрифи давомида мактаб ҳудудида IT Parkнинг бўлинимасини ташкил этиш тўғрисида топшириқ берган эди. Бугунги кунда IT Park филиал бизнесининг концепцияси ишлаб чиқилди. Филиал биноси қурилиш ости майдони 665 кв.м.га тенг бўлиб, 16 қаватдан иборат ва умумий майдони 11,3 минг кв.м.га тенг бино қурилиши бўйича тармоқ жадвали ишлаб чиқилди. Филиал биноси 600 та иш ўринга мўлжалланган бўлиб, 50 дан ортиқ янги IT Park

резидент-корхоналарни жойлаштириш учун мўлжалланган.

Мазкур IT Park филиалида резидент-корхоналарга ўз фаолиятини амалга ошириш учун зарур инфратузилма, шу жумладан, замонавий лабораториялар, коворкинг марказ ҳамда офис майдонлари тақдим этилиб, уларга молиявий, маркетинг, юридик ва бошқа консалтинг хизматлари кўрсатилади. Унинг асосий вазифаларидан яна бири – резидентлар ва ихтисослашган мактаб ўқувчилари ўртасида ўзаро кооперация алоқаларини йўлга қўйишдан иборат бўлиб, резидент-корхоналар билан биргаликда ахборот технологиялари йўналишида ҳамда дастурий маҳсулотларни ишлаб чиқиш бўйича турли лойиҳалар ва стартаплар амалга оширилади. Шу билан бирга бундай корхоналар мактаб ўқувчилари учун турли хил амалий машғулотлар, лаборатория дарсларини ўтказиш орқали уларни ахборот технологиялари соҳасидаги бизнес жараёнларини ўрганишга ёрдам беради.

Бу эса ўз навбатида ўқувчиларнинг мактабни битиргандан сўнг ахборот технологиялари соҳасида тайёр кадр бўлиб шаклланишига имконият яратаяди, айни кезде ўз фаолиятларини IT Parkда давом эттириши мумкин бўлади.

Ҳозирги кунда жаҳон бозорига талаб катта бўлган SAMSUNG ёки APPLE компаниясининг сўнгги моделдаги мобил телефонларини ўртача 1000 АҚШ долларига харид қилиш мумкин. Бу нарх қаердан келиб чиққан ва нимани ҳисобига шундай, деб ҳеч ўйлаб кўрганмисиз? Ушбу қурilmаларнинг таннархи (конструкцияси назарда тутилмоқда) нари борса, 50 АҚШ доллари ҳам турмайди.

Аслида асосий нарх, бу қурilmаларга жойлаштирилган мобил иловаларга боғлиқ. Яъни, SAMSUNG ёки APPLE компанияси ўз қурilmаси учун мобил иловалар дастурларини сотиб олади. Шунинг билан қурilmалар нархи ошади, рақобатбардор бўлади. Мобил телефон аппаратларидан энг кўп фойдани мобил қурilmалар яратиш билан шугулланувчи кичик-кичик фирма ёки шахслар қўлга киритади. Демак, ҳамма гап дастурлар яратишда. IT Park юртимиз ёшларига ана шундай имкониятлар яратиш беришга қаратилган йирик лойиҳадир.

IT Park резидентлари 2028 йилнинг 1 январигача бўлган муддатга барча турдаги солиқлар ва давлат мақсади жамғармаларига мажбурий ажратмалар, шунингдек, ягона ижтимоий тўловни тўлашдан озод қилинган.

АНЖУМАН

Хайридинмурод АБУЛҲАЙЗОВ

Дунёнинг турли минтақаларида оммавий тартибсизликни юзага келтириш билан боғлиқ янги таҳдидлар кузатилаётгани Ўзбекистон Ички ишлар вазирлигининг патруль-пост хизмати ва жамоат тартибини сақлаш бош бошқармаси ҳамда унинг ҳудудий бўлинималари масъулиятини оширяпти. Жамоат тартибини сақлаш ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш мақсадида бошқарма томонидан изчил чора-тадбирлар кўрилмоқда.

## “ХАВФСИЗ ПОЙТАХТ” КОНЦЕПЦИЯСИ: ТАЖРИБА ВА НАТИЖА

Пойтахтимиздаги Миллий матбуот марказида ўтказилган матбуот анжуманида билдирилганича, мамлакатимиз бўйлаб кўча ва бошқа жамоат жойларида видеокамералар ўрнатилиши сабабли жиноятчиликка қарши кураш борасида сезиларли натижага эришилди. Жумладан, 2019 йилда жамоат жойларида ҳуқуқбузарлик сони олдинги йилдагига nisбатан 8,6 фоиз камайди. Патруль-пост хизмати нарядлари иштирокида 4 минг 171 та жиноят фож этилди. Қидирувда юрган 658 нафар жиноятчи ва бедарак йўқолган 143 нафар шахс топилди.

Пойтахтимизнинг марказий кўчалари, дам олиш ҳудудлари ва аҳоли гавжум жойларда жамоат тартибини сақлаш ва аҳоли хавфсизлигини таъминлаш учун Тошкент шаҳри ИИББ патруль-пост хизмати бригадаси таркибида 50 штат бирлигидан иборат отлик отряд ташкил этилган. Патруль-пост хизмати бўлими ўзига хос янгилик бўлди.

Президентимизнинг 2018 йил 19 июндаги "Тошкент шаҳрида жамоат тартибини таъминлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорига биноан "Хавфсиз пойтахт" концепцияси амалиётга жорий этилган, унинг доирасида жиноятларнинг оқибатлари эмас, балки сабаб ва асосий омилларига қарши курашишга эътибор қаратилган. Бу тажриба ижобий самара бергани сабабли Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар ҳудудларида 21 та ийрик шаҳарга ушбу концепция амалиёти татбиқ этилди. — деди ИИБ патруль-пост хизмати ва жамоат тартибини сақлаш бош бошқармаси бошлиғи, полковник Бекмурод Абдуллаев. — Айни пайтда мазкур шаҳарларда ички ишлар органлари ходимлари, Миллий гвардия харбий хизматчилари ҳамда жамоатчилик вакилларининг уч босқичли патруллик хизматлари йўлга қўйилди ва бу тизим натижалари ижобийдир.

Тадбирда жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятларни фож этишда хизмат итлари ҳам муҳим роль ўйнаётгани қайд этилди. Жумладан, ўтган йили улар ёрдамида 2 минг 563 та жиноят фож этилиб, ҳуқуқбузарлардан 77 килограммдан ортиқ гивҳандлик моддалари, ноқонуний муомаладаги 6 дона ўқотар қурол, 2 530 дона ўқ-дори олиб қўйилди.



ИЛМ-ФАН ВА АМАЛИЁТ

# ГЕОЛОГИЯ ВА ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАР САМАРАСИ

Музаффар АБДУЛЛАЕВ оған сурат.

**Н. ДУЛАБОВА,**  
Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси ер қаърини регионал ўрганиш ва геологик хариталаш бўлими бошлиғи

Ер ости бойликларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, минерал-хомашё ресурсларидан оқилона фойдаланишни таъминлаш, шунингдек, ҳудудларда замонавий саноат корхоналарини ташкил қилиш учун замин яратиш, ер қаърини комплекс тарзда геологик ўрганиш, узоқ истиқболга мўлжалланган минерал-хомашё базасини ривожлантириш ва тўлдириб бориш дастурлари жорий этиб келинмоқда. Хусусан, 2018 йилда қаттиқ қазилма бойликлар ва ер ости сувларини қидириш ишлари учун Давлат бюджетидан 689,5 миллиард сўм маблағ ажратилган бўлса, 2019 йилда бу кўрсаткич 788 миллиард сўмга етди. 2020 йилда эса бу йўналишга 944 миллиард сўм, нефть ва газ конларини қидириш ишларига 1,46 триллион сўм маблағлар йўналтирилиши кутилмоқда.

Бундан ташқари, қўмита корхоналарининг моддий-техник базасини ривожлантириш ва қайта жиҳозлашни даражасини ошириш, соҳага юқори кўрсаткичларга эга замонавий асбоб-ускуналарни жалб қилишга ҳам эътибор қаратилляпти. Айни кунда геология қидирув ишларига Boart Longyear (АҚШ), Fordia (Канада), Atlas Copco (Швеция), Nanjin D&B Equipments ва бошқа шу каби дунёдаги етакчи ишлаб чиқариш компанияларининг бургилаш ускуналаридан самарали фойдаланилляпти. Ушбу бургилаш ускуналарининг ишлаш самарадорлиги бир ойда 800 метр чуқурликка етади, кернларни эса 90 фоизгача тўлиқ чиқаришни таъминляпти. Тоғ жинсларидан олинган намуналарни дала шароитида кимёвий таркибини аниқлаш ва жойида саралаш имконини берадиган кўчма рентгенофлуоресцент анализаторларидан фойдаланилляпти. Яқинда келтирилган аэрофизик ускуналар ёрдамда бир вақтнинг ўзida ернинг магнит майдони индукциясини, аэрогаммаспектрометр ва электромагнит тадқиқотларни олиб бориш мумкин. Мазкур мажмуа вертолётда 100 километр тезликда 50-100 метр баландликда лойиҳа йўналиши бўйлаб рельефини тасвирга олади. Бу юқори аниқлик билан маълумотларни олиш ва катта ҳудудларни қисқа вақт ичида ўрганиш имконини беради.

Янги инновацион технологияда олиб борилган тадқиқот натижасида турли чуқурликдаги магнит майдонлар ва электромагнитнинг 3 ўлчамли моделлари ва хариталари тайёрланади, уран, торий ва калий элементларини тарқалиш хариталари тузилади. Қабул қилинган барча рақамли маълумотлар тўғридан-тўғри махсус компьютер дастурларида батафсил қайта ишланади ва тезкор равишда тадқиқот ишларини олиб бориш учун майдонлар ажратилади.

Ер қаърини геологик ўрганишнинг дастлабки босқичларида ишончли, майдонларни белгилашда самарали натижаларни берадиган атомикимё қидирув усуллари ҳам сўнгги пайтларда кенг қўлланилмоқда. Улар асосан, ер ости ва ер юзасига яқин бўлган жойларда газ компонентларини тарқалиши ва улар билан боғлиқ конларни излаб топишда асқотади.

**2020 йил бюджетдан соҳага йўналтирилган маблағларнинг асосий қисми юқорида келтирилган замонавий асбоб-ускуналар ва дастурий таъминотларни кенг жорий қилган ҳолда, геология қидирув ишларини олиб бориш**

**орқали янги истиқболли майдонларни излаб топишни 35 фоизга, келгуси йилда 40 фоизга ошириш мўлжалланган.**

Бугунги кунда фойдали қазилмалар захиралари бўйича давлат балансида жами саноатда ўзлаштиришга тайёр 2 028 та кон ҳисобга олинган бўлса, шундан 54 фоизи мамлакатимиз мустақиллиги даврида очилган. Ўзбекистон олтин, уран, мис каби фойдали қазилмалар захиралари бўйича дунёнинг кучли 10 давлати қаторида туради. Янги дастурга асосан 25 турдаги фойдали қазилмалар захираларини кўпайтириш ва геология-қидирув ишларини жадаллаштириш ҳисобига 50 та янги конларни саноатда ўзлаштиришга тайёрлаш кўзда тутилган. Шундан 22 таси олтин, 3 таси уран, 2 таси рангли металллар ва турли хил норуда фойдали қазилмалардир.

Президентимизнинг парламентга Мурожаатномасида илм-фанда математика, кимё-биология, геология каби йўналишларда фундаментал ва амалий-тадқиқотлар фаоллаштирилиб, олимларга барча шарт-шароитлар яратиб берилиши таъкидланган эди. Жумладан, геология соҳасида илмий-тадқиқотларни тизимли ташкил этиш ва кадрларни тайёрлаш тизимини тубдан қайта қўриб чиқиш белгиланди. Соҳадаги 4 та илмий-тадқиқот институти негизда илмий ишлар ва таълимни уйғунлаштирадиган, ушбу жараёнларни бири-бирига интеграция қиладиган янги тизим — замонавий кампус шакллантирилади. Ушбу кампусда ер фанларини ҳар томонлама ўрганадиган, илгор изланишларни бажаришга қодир ихтисослашган университет ташкил қилинади. 2020 йил 31 январь куни Президентимиз томонидан Тошкент шаҳрида Геология фанлари университети мажмуасининг қурилиши муносабати билан тамал тоши қўйилди.

Университетда профессор ва ўқитувчилар меҳнатини муносиб равишда рағбатлантириш, илм вакилларини мотивациясини янада кучайтириш механизмлари жорий этилади, моддий-техник базаси ва илмий кадрлар салоҳияти бирлаштирилиб, замонавий илгор ускуналар билан жиҳозланади.

Свердловск вилояти халқаро ва ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги матбуот хизматининг маълум қилишича, ўтган йилнинг дастлабки 9 ойи давомида Россиянинг мазкур ҳудуди ва Ўзбекистон ўртасидаги савдо айланмаси 194 миллион АҚШ долларига етган ва ўсиш 21 фоизни ташкил этган. Ҳозир Ўзбекистон Свердловск вилоятининг савдо шериклари орасида 14-ўринни эгаллаб турибди.

Вилоят расмийлари ўзаро алоқаларнинг жадаллик билан ривожланиётгани Ўзбекистон билан савдо айланмаси ҳажми янада ошишига пойдевор бўлишини таъкидламоқда.

## СОДДАЛАШТИРИЛГАН ТАРТИБ

### ҲУҚУҚ ВА МАНФААТЛАРНИ ИШОНЧЛИ ҲИМОЯЛАЙДИ



**Хуршид ТУРСУНОВ,**  
Шеробод туманларасо иқтисодий суди раиси, судьялар Олий мактаби тингловчиси

Суд амалиёти таҳлиллари шуни кўрсатмоқдаки, даъво суммаси нисбатан кам ишлар бўйича тарафларда бир-бирига нисбатан эътироз бўлмайди, жавобгарлар суд мажлисларида даъво талабини тан олишади, фақатгина молиявий ёки бошқа узрли сабабларга кўра қарздорлик суммасини тўлай олишмаётганини таъкидлашади.

Даъвонинг баҳоси юридик шахсларга нисбатан энг кам ойлик иш ҳақининг йигирма баравари, яъни тартибдаги тадбиркорларга нисбатан эса беш бараваридан ошмаслиги даъво аризалари бўйича ишларни соддалаштирилган иш юритиш тартибда кўриб чиқишнинг асоси ҳисобланади.

Бундай асос Иқтисодий процессуал кодекс (ИПК) ўтган йили соддалаштирилган тартибда иш юритиш тўғрисидаги боб билан тўлдирилгандан сўнг юзага келди. Мазкур кодексда кўрсатилган ҳолатлар мавжуд бўлмаса, даъвогарнинг илтимосномасига кўра, жавобгарнинг розилиги билан бошқа ишлар ҳам соддалаштирилган тартибда кўриб чиқиши мумкин. Аммо корпоратив низолар бўйича ҳуқуқий таъсир чораларини қўллаш тўғрисидаги ишлар соддалаштирилган иш юритиш тартибда кўриб чиқилмайди.

ИПКда белгиланган янги тартибга кўра, даъво аризаси юзасидан ёзма фикр тақдим этилиши мумкин. Бу каби ишлар даъво аризасини иш юритишга қабул қилиш ва иш кўзгатиш ҳақида ажрим чиқарилган кундан эътиборан йигирма кундан ошмаган муддатда кўриб чиқилади. Ишни кўриб чиқиш муддати узайтирилмайди. Суд ишни суд муҳожамасини ўтказмасдан, тарафларни қақиртирмасдан ва уларнинг тушуниришларини ашитмасдан кўриб чиқа олади. Иш бўйича ҳал қилув қарори ихтиёрий тартибда ижро

этилади, агар апелляция шикоят (протести) берилмаган бўлса, ҳал қилув қарори қабул қилинганидан ўн кун ўтгач қонуний кучга кирди. Қарор қонуний кучга киргунига қадар ихтиёрий тартибда ижро этилмаган бўлса, у тарафларнинг илтимосномаси бўйича суд томонидан бериладиган ижро варақаси асосида ИПК қоидаларига биноан, суд ҳаражатларини унди-

лозим. Бироқ баъзан жавобгар узоқда бўлиши ёки даъво аризаси нусхасини олишдан бош тортиши каби ҳолатлар ҳам учраб турибди. Бу эса даъвогарни жавобгарга нисбатан даъво аризасини соддалаштирилган тартибда судга топшириш имкониятидан маҳрум қилади. Мазкур ҳолатларнинг ҳуқуқий асослари ва ечимларини ИПКга киритиш заруратида ҳам

**ИПКДА БЕЛГИЛАНГАН ЯНГИ ТАРТИБГА КўРА, ДАЪВО АРИЗАСИ ЮЗАСИДАН ЁЗМА ФИКР ТАҚДИМ ЭТИЛИШИ МУМКИН. БУ КАБИ ИШЛАР ДАЪВО АРИЗАСИНИ ИШ ЮРИТИШГА ҚАБУЛ ҚИЛИШ ВА ИШ КўЗГАТИШ ҲАҚИДА АЖРИМ ЧИҚАРИЛГАН КУНДАН ЭЪТИБОРАН ЙИГРИМА КУНДАН ОШМАГАН МУДДАТДА КўРИБ ЧИҚИЛАДИ. ИШНИ КўРИБ ЧИҚИШ МУДДАТИ УЗАЙТИРИЛМАЙДИ.**

ришга тааллуқли қисми эса суднинг ташаббуси билан мажбурий ижро этилиши лозим. Булар ҳам соддалаштирилган иш юритиш тартибда кўриб чиқилган ишларнинг ўзига хос жиҳатларидир.

Шу сабабли мазкур ўзгаришлар ишда иштирок этувчи шахсларнинг манфаатлари учун хизмат қилмоқда, десак янглишмаган бўламиз.

Алоҳида таъкидлаш жоизки, ишларни соддалаштирилган иш юритиш тартибда кўриб чиқиш учун даъво аризасини судга тақдим қилишдан олдин унинг нусхаси даъвогар томонидан, албатта, жавобгарга топширилган бўлиши

айни вақтда эҳтиёж туғилмоқда.

Уйлаймики, суд амалиёти жараёнида юзага келган бу каби ҳолатлар ИПКга тегишли ўзгариш ва қўшимчалар киритиш йўли билан тўлдириб борилади. Энг асосийси, соддалаштирилган иш юритиш тартиби ишда иштирок этувчи шахслар ҳуқуқ ва манфаатларининг ишончли таъминланиши, уларнинг ўзаро манфаатли ҳамкорлиги давом этиши, шартнома интизомининг ўз вақтида таъминланиши тарафларнинг турли кўринишдаги оворагарчиликларини олдин олишга ҳамда одил судловдан рози бўлишига асосан яратлади.

### ЯНГИ ЛОЙИҲА

## “VOLKSWAGEN” ЎЗБЕКИСТОНДА ИШЛАБ ЧИҚАРИЛАДИ

**А. НУРУЛЛАЕВ**

Бош қароргоҳи Германиянинг Вольфсбург шаҳрида жойлашган “Volkswagen AG” жаҳонда етакчи ва Европадаги энг йирик автомобиль ишлаб чиқарувчи компаниялардан бири саналади. 2019 йилда бутун дунёдаги харидорларга 10 миллион 974 минг 600 дона турли русумдаги машиналарни тақдим этган. Эндиликда мамлакатимизда ҳам мазкур гуруҳнинг Volkswagen Caddy моделидаги енгил тижорат автомобилларини ишлаб чиқариш ва сотишга киришилади.

Кеча бу борада “Узавтосаноат” АЖ ва “Фольксваген” гуруҳи ўртасида ҳамкорлик тўғрисида келишув имзоланди. Лойиҳа “Узавтосаноат” АЖнинг Жиззахдаги маҳаллий корхоналари базасида, Volkswagen концерни ишлаб чиқариш технологияларидан фойдаланган ҳолда амалга оширилади. Бу автомобиллар икки модификацияли, яъни 7 ўринли йўловчи универсал ва юк фургони бўлиб, улардан ҳам тижорат, ҳам оилавий йўналишда фойдаланиш мумкин. Лойиҳага кўра, заводнинг йиллик қуввати 20 000 та автомобилга тенг бўлади.

Ақциядорлик жамияти матбуот хизматининг хабаридан қайд этилишича, Ўзбекистон саноат ишлаб чиқариш, кичик ва ўрта бизнеснинг янада ривожланиши учун йирик салоҳиятга эга. Мамлакатда енгил тижорат



автомобиллари мазкур бозор учун истиқболли сегмент ҳисобланади.

— Енгил тижорат автомобиллари сегменти бугунги кунда Ўзбекистон автомобиль бозоридида ягона ўзлаштирилмаган йўналиш саналади, — дейди “Узавтосаноат” АЖ бошқаруви раиси Шавкат Умурзоқов. — Ушбу лойиҳанинг амалга оширилиши маҳаллий автомобиль саноати тараққиётида янги салмоқли қадимни қўйиш имконини беради. Янги қўшма корхона аҳолининг бандлигини ошириш баробарида, мамлакатимизда саноат ишлаб чиқаришнинг янада ўсишига хизмат қилади.

— “Ўзбекистон автомобиль бозори тез ривожланмоқда ва барча сегментларда катта ўсиш салоҳиятига эга, — дейди “Фольксваген Груп Рус” бош директори Маркус Озегвич. — Амимизки, концернимиз маҳсулоти ва дилерлик марказларидаги юксак хизмат кўрсатиш даражаси ўзбек истеъмолчилари томонидан муносиб баҳоланади.

### ҲАМКОРЛИК

## БУРҒИЛАШ ҚУВУРЛАРИ СОТИБ ОЛИНАДИ

**А. КАРИМОВ**

Сўнгги йилларда Ўзбекистонда геология-разведка ишлари кўлами кенгайтириб боришмоқда. Чунки мамлакатнинг жадаллик билан ривожланиётган саноати тобора кўпроқ хомашё захираларига эҳтиёж сезмоқда. Шунинг учун янги конларни, жумладан, нефть ва газ, қаттиқ фойдали қазилмалар манбаларини аниқлаш, ўрганиш ва ўзлаштиришга катта инвестиция йўналтирилиши режалаштирилган.

Россиянинг Свердловск вилоятидаги “Кушва қувур заводи” МЧЖ билан имзоланган экспорт шартномаси Ўзбекистондаги геологик қидирув ишларини кенгайтиришга хизмат қилиши билан аҳамиятлидир.

“Мазкур шартнома асосида йил охиригача мамлакатга қиймати 2,5 миллион долларлик қопонка ва бургулаш қувурлари етказиб берилади”, дея хабар берди “Россия келажаги. Миллий лойиҳалар” портали сайти.

Вилоят расмийлари ўзаро алоқаларнинг жадаллик билан ривожланиётгани Ўзбекистон билан савдо айланмаси ҳажми янада ошишига пойдевор бўлишини таъкидламоқда.

НУҚТАИ НАЗАР

# МАКТАБЛАРДА ТАЪЛИМ БИРЛАМЧИМИ ЁКИ ТАРБИЯ?

Бошланчи 1-бетада



Истиклол йилларида кўп жабҳаларда янгиликлар пайдо бўлди. Лекин халқ таълими соҳасида баъзи эскича йўналишлардан, қопиллардан қутула олмаганимиз, асосий эътиборни таълимга эмас, тарбияга қаратганимиз. Фикримиз асоссиз бўлмагани учун бир мисол келтириб ўтайлик. Ҳар йили туман, шаҳар, вилоят таълим бошқармалари, вазирлик ва бошқа ташкилотлар томонидан мактаблар фаолиятини текшириш учун камда 10 марта комиссия келади. Ана шу текширувларда комиссия аъзолари, биринчи навбатда, мактабнинг умумий ҳолати, таъмирдан қандай чиққани, синф хоналарининг озодлиги, ўқувчиларнинг давомати, мактабда қандай тадбирлар ўтказилганлиги, ўқувчиларнинг дарсликлар билан қандай таъминлангани, уларнинг тартиб-интизомини назоратдан ўтказиши. Шундан кейин, имкон бўлса, ўқувчиларнинг фанларни қандай ўзлаштираётгани билан қизиқади. Яъни 10 та комиссиянинг 8 таси аввал тарбияга, бор-йўғи 1-2 таси ўқувчилар фанларини қандай ўзлаштираётганига эътибор қаратади.

Шу ўринда таълим иккиламчи, тарбия бирламчи бўлаётганига оид яна бир далилни келтирсак. Кейинги пайтларда матбуотда таълим тизими ҳақида эълон қилинаётган аксарият мақолаларда мактабларда тартиб-сизлик қилган ўқувчиларга танбеҳ берган ёки уларни жазолаган ўқитувчиларни ота-оналар судга бераётгани, раҳбарлар эса уларни ишдан бўшатиб, жазолаётгани тилга олинади. Бир қарашда таълим ҳолати. Аммо масалага жиддийроқ ёндашсангиз, ўқитувчилар ўқувчиларга билим беришдаги камчиликлари, хатолири учун эмас, балки тарбия борасидаги амаллари учун жазо олаётганини англайсиз. Ваҳоланки, ўқитувчи ўқувчига яхши билим бермагани, етарли даражада ўқитмагани учун жазоланиши керак. Ота-оналар, таълим муассасалари раҳбарлари ўқитувчилардан, биринчи навбатда, ўқувчиларга юксак таълим бериши талаб қилишлари зарур. Эҳтимол, бундай талаблар бўлаётганлиги. Аммо шу пайтгача болаларга яхши таълим бермагани учун ўқитувчи жазоланганини эшитмадик.

Бугун мактабларда давомат, яъни ўқувчиларнинг дарсларга тўлиқ қатнашишини таъминлаш биринчи даражали иш, буни амалга ошириш ўқитувчиларнинг вазифаси деб қарайдиганлар кўпайиб бормоқда. Турри, мактаб учун давомат керак. Ҳар бир ўқувчи дарсга қатнашиши шарт ва бу ўқувчиларнинг ҳам, ота-оналарнинг ҳам бурчи. Аммо ота-она боласининг ўқиши билан қизиқмаса, бола ўқишни истамаса, мактабга келмаса, ўқитувчи нима қилсин?!

Баъзан ота-оналар, ўқитувчилар, зиёлилар болалар мактабга бормаётгани, давомат пастлиги учун ёмон йўللарга кириб кетмоқда, деган фикрларни айтишади. Бу ҳаққисрашда жон бор. Лекин ўқувчиларнинг

мактабга келиши шунчаки давоматни яхшилашга хизмат қилмаслиги керак. Эндиликда мактаблар болаларга ҳақиқий билим берадиган масканга айланиши зарур. Чунки мактабда яхши билим берилса, давомат ҳам яхшиланади, ёшлар ёмон йўлларга кириб кетишининг ҳам олди олинади. Негаки, билимли ёшлар ҳаётни яхши англайди, ёмон йўللарга кирмайди. Шунда сизу бизнинг болаларимиз мактабга бормагани учун ёмон йўлларга кириб кетмоқда, деган ҳаққисрашимизга ўрин қолмайди. Бугунги кунда ёшлар ўртасида рўй бераётган йўлдан адашишлар мактабларда давоматнинг пастлиги учун эмас, билимсизлик туфайли юзага келмоқда.

**Умумий ўрта таълимда мактаб тизимига қайтишни яхши бўлди. Аммо мактабларнинг ҳозирги фаолиятдан ўқувчилар, ота-оналар, аксарият ўқитувчилар, ҳатто давлатимиз раҳбари ҳам қаноатланаётгани йўқ. Албатта, бунинг сабаблари кўп. Эндиги вазифа уларни бартараф этиш. Шунинг учун бу борада баъзи тақлифларни билдирмоқчиман.**

Авалло, тарбия эмас, таълим беришни биринчи ўринга олиб чиқиш лозим. Ўқувчиларни интизомли бўлишга ундайдиган таъсирсиз чақириқлардан ўзимизни тийиб, илм беришимиз, тафаккурини ўстиришимиз керак. Ўқувчилар мактабда берилган билим асосида етук инсон, жамиятда фаол шахс бўлиб етишишига, ўз билими билан олий ўқув юртига кира олишига ишонсин.

Иккинчидан, мактабда таълимни, ўқитишни яхшилаш учун ўқитувчиларни жиддий саралаш зарур. Негаки, ўқитувчиларни маош олиб яшаш воситасига айлантирган "муаллимлар" ҳам бор. Бу соҳада ўз касбининг фидойилари бўлган, ёшларга таълим беришни, уларни илм-фан сирларидан воқиф қилишни истаган ҳақиқий устозлар ишлашлари керак. Ана шундангина таълим сифати яхшиланади.

Учинчидан, мактабларда ўқитувчи ва ўқувчилар ҳақ-ҳуқуқларини жиддий кўриб чиқиш заруратга айланади. Эътибор беринг, ўқитувчи дарс пайтида тартибсизлик қилган ва таълим беришига ҳалақит қилган ўқувчини ҳатто дарсдан чиқариб ҳам юборолмайди. Агар ўқитувчи болани жазоласа, ё мактаб маъмуриятдан хайфсан олади, ё ота-она уни судга беради. Ҳеч бўлмаганда, ўқитувчи ўқувчиларни кўз ўнгидан тартибсиз ўқувчисининг ота-онаси томонидан ҳақоратланади.

Дарсдан чиқариб юборса, мактаб маъмурияти ва туман таълим бошқармаси томонидан жазоланади. Ўқувчи дарсни яхши ўзлаштира олмаса ҳам ўқитувчи чорак ва йил якунида унга қониқарсиз баҳо қўя олмайди. Шундай баҳо қўйса, унга яхши таълим бермагансан, деб яна жазага тортилади. Хуллас, бу жараёнда таълим-тарбия беришни истаган ўқитувчи ноҳақ, таълим-тарбия олишни истамаган ўқувчи ҳақ бўлиб чиқверади.

Хўш, бундай ҳолда ўқитувчи қандай йўл тутади? Ёмон ўқийдиган болага қониқарли баҳо қўяди, тарбиясиз болага намунавий хулқ эгаси, деб тавсиянома ёзиб беради ва шу йўл билан унинг мактабни тезроқ битириб кетишини истайди.

Тўртинчидан, тўғриси айтиш керак, мактабларда дарсларни яхши ўзлаштирмайдиган ва тарбияси оғир болалар ҳаммиша бўлган. Уларни "тарбиялаш" учун қўшимча дарслар ўтилган, аълочи ўқувчиларга бириктириб қўйилган, ота-оналари билан суҳбатлашилган ва синфда қолдирилган. Ҳозир ҳам мактабларда бу чора-тадбирларнинг аксарияти қўлланилмоқда. Фақат синфда қолдириш билан боғлиқ тартиб олиб ташланган. Назаримизда, ана шу тартибни қайтадан жорий қилиш керак. Яна бир гап, авваллари ўқувчи бир синфда икки йил ўқиганда, сарфланган маблағ давлат ҳисобидан қопланган. Энди эса бу маблағни ота-она ҳисобидан ундириш лозим. Ана шунда ўқувчи ҳам, ота-она ҳам мактаб таълимига нисбатан масъулият кучайди.

Бугунги кунда синфларда ўқитилаётган ўқувчилар сонини билан боғлиқ яна бир масала бор. Эътибор беринг, республикамиздаги аксарият мактабларнинг бир синфда 35-40 нафардан бола таълим олмақда. Аввало, бир синфда шунча ўқувчининг тартиб-интизомини таъминлашнинг ўзи қийин. Қолаверса, юксак маҳоратли, билимли, зукко ўқитувчи ҳам шунча болага бир вақтнинг ўзида мукамал билим бера олмайди. Чунки ўқувчиларнинг билимини қабул қилиш даражаси турлича. Айтайлик, улардан 15 нафари аълочи, 15 нафари ўртаминана, яна 10 нафари қоқоқ. Бундай ҳолатда ўқитувчи мавжуд талаблардан келиб чиқиб, эътиборни қоқоқ ўқувчиларга қаратишга мажбур бўлади. Негаки, таълим тизими назоратчилари ўқитувчидан ўқувчиларнинг ҳаммаси фанларни тўла ўзлаштиришини талаб қилади. Натижада ўқитувчи асосий эътиборини қоқоқларга қаратиб, унда қобилиятли ўқувчиларнинг билимларини янада кучайтиришга, ўртаминана ўқийдиганларнинг илмини оширишга имкон қолмайди.

Мамлакат тараққиёти иқтидорли, билимли ёшларга боғлиқ эканини барчамиз яхши биламиз. Шунинг учун ҳам давлатимиз раҳбари ташаббус билан мамлакатимизда ихтисослаштирилган мактаб-интернатлар, махсус фанлар ўқитиладиган мактаблар, академик лицейлар, илмий марказлар, Президент мактаблари ташкил этилмоқда. Уларга иқтидорли болалар танлаб олинсин, фанлар чуқур ўргатилиши, ихтисослаштирилиши, ҳар бир синфда ўқувчилар сонини 15-20 нафардан ошмаслиги белгиланган. Аммо бундай мактаблар барча иқтидорли болаларни қамраб олиш имконига эга эмас. Шундай экан, бундай мактаблар, илм даргоҳларини кўпайтириш керак.

Хуллас, мактаб тизими билан боғлиқ муаммолар бор. Шунинг учун ҳам кейинги йилларда давлатимиз раҳбари томонидан таълим тизимидаги муаммоларни ҳал этишга қаратилган кўплаб қарорлар, фармонлар қабул қилинди. Бу ҳужжатларда таълим сифатини таъминлаш, ўқитувчиларнинг билим даражаси ва педагогик маҳоратини ошириш, умумий ўрта ва мактабдан ташқари таълимни сифат жиҳатдан янги даражага кўтариш, ўқувчиларнинг маънавий-ахлоқий ва интеллектуал ривожланишини таъминлаш халқ таълими тизимини ислоҳ қилишнинг асосий йўналишлари қилиб белгиланди. Демак, муаммоларни ҳал этиш учун зарур ҳужжатлар бор. Навбатдаги асосий масала шу муҳим ҳужжатлар ижросини таъминлашдир.

ТАЪЛИМ

Алишер ОТАЖОНОВ,  
Урганч давлат университети проректори

Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 3 декабрдаги "Олий таълим муассасаларини босқичма-босқич ўзини-ўзи молиялаштириш тизимига ўтказиш тўғрисида"ги қарорига мувофиқ, шу йилдан бошлаб республикадаги 10 та олий таълим муассасасига тажриба-синов тариқасида молиявий эркинлик берилди. Жумладан, Урганч давлат университетига ҳам.

# МОЛИЯВИЙ МУСТАҚИЛЛИК

## илмий салоҳиятни оширишда муҳим қадам

Президентимизнинг Олий Мажлисига Мурожаатномасида олий таълимга қабул жараёнида давлат грантларини икки баравар кўпайтириш, мутахассисликка алоқадор бўлмаган фанларни қисқартириш, нуфузли чет эл университетлари билан ҳамкорлик ўрнатish каби масалалар қаторида олий таълим муассасаларига молиявий ва академик мустақиллик бериш масаласи хусусида ҳам сўз юритилди.

Хўш, ушбу янги тизим олий таълим муассасаларига қандай қўшимча имкониятлар беради? Дунёнинг кўплаб мамлакатларида олий таълимни иқтисодий қўллаб-қувватлашда давлат етакчи ўрин тўтишига қарамай, молиявий мустақиллик олий ўқув юртининг ривожланишида муҳим аҳамият касб этганини жаҳон тажрибаси кўрсатиб турибди. Олий таълим муассасасини молиявий таъминлашда давлат улушининг кескин пасайиши университетларнинг иқтисодий мустақиллигига олиб боради. Масалан, Германия ва Буюк Британиядаги олий ўқув юртининг автономиясини кенгайтириш талаблари давлат бюджетидан молиялаштиришнинг қаймағини билан боғлиқ ҳолда университетларнинг ўзини ўзи таъминлаш ва бошқаришга оид тажрибасини шакллантиришга қаратилган. АҚШда эса академик эркинликка эга олий таълим муассасалари ўз маблағларини турли давлат (марказий, минтақавий ва маҳаллий) агентликлари ва бошқа манбалар кўмағида шакллантиради.

Университет автономияси деганда, ўқув муассасасининг давлатдан молиявий ва маъмурий мустақиллиги тушунилади. Бу эса таълим муассасалари бошқарувининг барча соҳаларида — кадр-

Иккинчидан, молиявий мустақиллик университетга турли жамғармалар, хусусан, эндаунмент фондлари ва бошқа турдаги молиявий инструментлар ҳисобидан шакллантирилган маблағларни жамлаш ҳамда уларни бевосита бошқариш ҳуқуқини беради.

Учинчидан, олий таълим муассасаси раҳбарияти томонидан ўз ишига масъулият билан ёндашадиган, янгиликка интилувчан профессор-ўқитувчиларни рағбатлантириш, нуфузли халқаро рейтингларда етакчи бўлган хорижий университетлардан таниқли олим ва профессор-ўқитувчиларни машғулловларга кенг жалб этиш ишлари анча жадаллашади.

Тўртинчидан, таълим муассасасини бошқаришда ҳам ортқча қоғозбозликдан қутулиб, турли муаммоларнинг тезкор ечимини топиш имконияти ошади.

Бешинчидан, ўзини ўзи молиялаштириш тизимида олий таълим муассасалари академик мустақилликка эришиб, халқ ҳўжалигини, юртимиз иқтисодиётини ривожлантиришда зарур бўлган янги таълим йўналишлари ва мутахассисликларни очиб, ўқув режа ва дастурларни такомиллаштириш, қўшимча таълим хизматлари кўрсатиш, иқтисодиётнинг турли тармоқлари учун пуллик хизматлари ташкил қилиш каби салмоқли ижтимоий аҳамиятга эга фаолиятни олиб боришга шароит яратилади. Шунингдек, олий таълим муассасаси ўзини-ўзи тўлиқ молиявий таъминлаш имкониятидан келиб чиқиб, шартнома асосидаги тўлов қиймати белгилайди.

Шу билан бирга, қўшимча маблағларни долзарб муаммолар ечимига қаратилган илмий-тадқиқот-

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИНИНГ ЎЗИНИ ЎЗИ МОЛИЯЛАШТИРИШ ТИЗИМИГА ЎТИШИ НАТИЖАСИДА ПРОФЕССОР-ЎҚИТУВЧИЛАР ФАОЛИЯТИДА СИФАТ ЎЗГАРИШЛАРИ КУТИЛМОҚДА.**



лар ва маъмурий-молиявий сиёсатдан талабаларни қабул қилишни режалаштиришга, ҳатто ўқув курсларининг мазмуни ва ҳажми, тадқиқотчилик фаолиятининг устувор йўналишларини аниқлашда ҳам намоён бўлади.


Бундай янги тизим мамлакатимизда тажриба-синов тариқасида босқичма-босқич ўзини ўзи молиялаштиришга ўтказилаётган олий таълим муассасалари учун ҳам ўз фаолиятини янада самарали олиб боришга кучли туртки бўлади. Буни қуйидаги омилилар билан изоҳлаш мумкин:

Биринчидан, олий таълим муассасалари ўз молиявий ресурсларини мустақил равишда бошқариш ҳуқуқига эга бўлади. Бу эса ўқув жараёнининг моддий-техник таъминотини яхшилаш, иқтидорли талабаларни кўллаб-қувватлашга хизмат қилади.

лар олиб бориш, республика ва хорижий олий таълим муассасалари ҳамда илмий марказларга иқтидорли, истиқболли магистрант ва докторантларни юборишга йўналтириш орқали университетнинг илмий салоҳиятини оширишга эришилади.

Энг асосийси, олий таълим муассасаларининг ўзини ўзи молиялаштириш тизимига ўтиши натижасида профессор-ўқитувчилар фаолиятида сифат ўзгаришлари кутилмоқда. Тажриба тариқасида бир йиллик шартнома асосида ишга қабул қилиш, ташаббускор ва инновацияларга интилувчан ходимларни моддий ва маънавий рағбатлантириш янада кучайтириш каби янги ёндашувлар педагог-ҳодимлар жамоасида соғлом рақобат муҳитини шакллантиради ва таълим сифатини тўдан яхшилайди.

УЧРАШУВ



# ҲОКИМ ОЛИМГА ТАКЛИФ БЕРДИ

**Беҳзод ҚОБУЛОВ,**  
Тошкент вилояти ҳокимлиги ахборот хизмати раҳбари

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институти лаборатория мудири Бахтиёр Расулов бир неча йиллардан буюн кишлоқ ҳўжалиги экинлари ҳосилдорлигини ошириш лойиҳаси устида ишламоқда.

Тошкент вилояти ҳокими Рустам Холматовнинг Фанлар академияси академиклари, олимлари, тадқиқотчи ёшлар билан учрашувида Б.Расулов ўз ишланмаларини мазкур вилоятда жорий этиш тақлифини билдирди. — Ўсимлик табиатини билмасдан туриб турли кимёвий воситаларни қўллаш унда стресс ҳолатларини келтириб чиқаради, —

деди ёш олим. — Бу эса ҳосилдорликка салбий таъсир кўрсатади. Чунки ўсимлик ҳам тирик организм. Б.Расулов ўзи меҳнат қилаётган институтда бу йўналишда қатор лойиҳалар амалга оширилгани, хусусан, фитопотоген микроорганизмларни аниқлаш, уларнинг тарқалиш ҳудудини ўрганиш,

уларга қарши табиий қушандалар орқали курашиш бўйича мавжуд биотехнологияларни амалиётга жорий этиш мумкинлигини маълум қилди.

Учрашувада Ядро физикаси институти етакчи олими Аҳрор Қорахўжаев ичимлик сувни кимё соҳасидаги энг сўнгги илмий ишланмалар асосида мунтазам тозалаб бориш юзасидан тақлиф-мулоҳазаларни ўртага ташлади. Олимнинг айтишича, айни пайтда Чирчиқ дарёсининг юқори ўзанидан Тошкент вилояти ва пойтахтга етказиб берилётган тоза ичимлик сувнинг сифати жиддий назоратга, фаннинг аралашувиغا муҳтож.

Тошкент вилояти ҳокими олимлар томонидан кун тартибига қўйилган масалалар чуқур ўрганилиб, амалиётга жорий этиш бўйича барча чоралар кўрилишини таъкидлади.

– Кишлоқ ҳўжалиги соҳаси учун олимларнинг маслаҳати ва янги ишланмалари ниҳоятда зарур, — деди Рустам Холматов. — Вилоятимизда ташкил этилган мева-сабзавотчилик кластерлари жаҳон бозори учун рақобатбардор, экологик талабларга жавоб берадиган маҳсулот етиштиришга эришмоқчимиз. Бугунги учрашувдан пировард мақсад ҳам мана шу.

Тадбир давомида ЎзР ФА олимлари томонидан яратилган илмий ишланмалар кўргазмаси ташкил этилди. Шунингдек, ФА Ядро физикаси институтида олиб борилаётган тадқиқотлар билан яқиндан таништириш мақсадида радиопрепаратлар, тиббиётда қўлланиладиган маҳсулотларга радиациявий ишлов бериш марказига экскурсия уюштирилди.

ДАВРА СУХБАТИ

ЛИЦЕНЗИЯЛАШ ЖАРАЁНИ ЭЛЕКТРОНЛАШТИРИЛАДИ

Бахор ХИДИРОВА, "Янги Ўзбекистон" муҳбири

Тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш ва иш юритишда лицензия ва рухсатномалар бериш тартиб-тамомиллари давр талабига тўла жавоб бермаслиги юртимизда бизнес муҳитини ва ишбилармонликни ривожлантиришга жиддий тўсиқ бўлаётган муаммолардан биридир.



Президентимизнинг 2020 йил 2 мартдаги "2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини "Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили" да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида" ти фармонида 2020 йилда лицензиялар ва бошқа рухсат берувчи ҳужжатлар камида икки баравар қисқартирилиши белгилаб берилгани бу йўналишдаги долзарб муаммолар ечимни йўлида муҳим қадам бўлди.

Адлия вазирлиги ташаббуси билан пойтахтимизда ташкил этилган давра суҳбатида тегишли вазирлик ва ташкилотлар ҳамкорлигида шу йўналишда амалга оширилмаган ишлар хусусида фикрлашилди. АҚШ Халқаро тараққиёт агентлиги (USAID) нинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси билан ҳамкорликда ўтказилган тадбирда тегишли давлат ташкилотлари вакиллари, маҳаллий ва хорижий экспертлар, тадбиркорлар иштирок этди.

Қонунчилигимизга кўра, лицензия — бу махсус ҳуқуқ. Яъни, одатда шуғулланиш мумкин бўлмаган фаолиятни бошлаш учун рухсатнома ҳисобланади. Хавфли ишларда фаолият юритиш қоидаларини ўрнатиш ва уни назорат қилиб бориш лицензиялаш орқали тартибга олинган.

Бирок лицензия ва рухсатномалар орасида ҳисобни юритиш, маблағ ундириш ёки шунчаки назорат қилишга қаратилганлар ҳам бор. Бундай лицензиялар бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнида спекулятив ҳаракатларнинг олдини олиш мақсадини кўзда тутиб, бугунги кун талабларига жавоб бермай қўйган.

Давра суҳбатига бугунги кунда етмишга яқин лицензия ва рухсатномани хабардор қилиш тартибига ўтказиш мақсада мувофиқлиги айтилди. Энг муҳими, эндиликда лицензиялаш жараёни тўлиқ электронлаштирилади. "Лицензия" ахборот тизимлари комплекси базасида барча лицензия, рухсатнома ва хабарномаларни ягона портал орқали ҳужжат топшириш, қўриб чиқиш ва уни бериш амалиёти йўлга қўйилади. Лицензия учун қандайдир маълумотнома ёки бошқа ҳужжат керак бўлса, ваколатли органнинг ўзи ягона тизим орқали олади.

Давра суҳбатида лицензиялаш ҳамда рухсатнома беришга доир ҳужжатларни оптималлаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

Кўчкор НОРҚОБИЛ, ёзувчи

— Тошкент ажойиб шаҳар, чиндан ҳам нон ва кўёш шаҳри. — Биринчи бор бўлишингизми? — Э-е, йўқ, шаҳрингизда кўп бўлганман. Ахир, ота-онамнинг болалиги шу ерда кечган. Мактабни ҳам Тошкентда битиришган. Кейин уларнинг бири Воронежга, иккинчиси эса Минскка йўл олган. Тақдир экан, Москвада танишишган, институтда битта факультетда ўқишган. Ота-онам уруш болалари, Тошкент уларга бошпана бўлган, уларни асраб қолган, ўзбеклар уларни ўз боласидай ардоқлаб парвариш қилишган. Ота-онам кейинчалик Тошкентдаги шифохонада ишлашди. Улар Минскка қайтишганда, умрининг сўнгги йиллари Ўзбекистон ҳақида кўп гапиришди, умрининг бир қисми ўтган тупроқ ҳақида, очикдил, болақалб ўзбеклар ҳақида тўлиб-тошиб сўзлашарди. Шундай экан, мени ҳам ярим тошкентлик деяверинг.

Жиккакжусса бу аёлнинг самимияти кўнглимга янада илиқлик бахш этади. Минск осмони узра айланиб кўним истаётган ҳаво лайнери даричасидан пастликда ястанган ўрмонга кўзим ташади. Хаёлимдан: "Менинг ўзбекларим ҳам шу ўрмонларда жанг қилишган..." — деган ўй кечди.

— Худо хоҳласа, хизмат сафарим тугагунга қадар мен сиз билан учрашаман. Менга манзилингиз ва телефон рақамингизни берсангиз, — дейман аёлга. Шу билан бирга биринчи бор келаётганим катта шаҳарда ўзимга яқин таниш топиб олганимдан кўнглимда хотиржамлик туяман.

— Албатта, мен сизни кутаман. Истасангиз ўғлим иккимиз сизни Бреста бирга олиб борамиз. Сиз ўзингиз излаётган жанг майдонларини, албатта, топасиз, мен сизга ёрдам бераман, — дейди аёл.

Самолёт Минск аэропортига қўнди. Аёл мени шаҳарга чиқиш йўлагига бошлаб келди, боришим лозим манзилни обдон тушунирди. Унинг исми Райхон (аслида Райхон) эканлигини билиб юрагим галати бўлиб кетди. "Онамини Райхон исми аёл боқиб катта қилган. Исминини ўша ўзбек аёлининг шарафига Райхон деб қўйишган. Сиз мени Райхон-хола деб айтаверинг..." Мен Райхон деган гўзал исмини Райхон деб ёзган кўрсавод "записки" дан ич-ичимдан ҳафа бўламан. Райхон хола билан хайрлашдим.

Маҳаллий вақт бўйича соат ўн биру йигирма. Ҳаво салқин. Осмон булут. Шабада. Аэропортдан чиқишингиз ҳамона ажойиб манзарага дуч келасиз — ойнадай текис йўл ўрмонни ёриб киради. Беларусь замини сизга шундай бағир очади. Албатта, аввал бундай оҳангжамани кўрмаган бўлсангиз ҳайратланасиз, ҳаяжонланасиз.

— Қандай чиройли жойлар-а? — Беларусь ўрмон ва қўллар, ботқоқликлар ўлкаси, — дейди хайдовчи бепарвогина, — биринчи марта келишингизми?

— Ҳмм. Барибир чиройли экан. — Урмонни яхши кўрасанми? — Билмасам, умримда ҳақиқий ўрмонга энди дуч келишим.

Хайдовчи менга анграйиб қараб кўяди. Мен йўл чети — ўрмондан кўз узмай мум тишлайман.

— Нега жим қолдингиз? — Беларусьни шу ўрмонлар асраб қолган, — дейман бехосдан.

Хайдовчи энди таажубини яширолмади.

— Нега бундай деясан? Кимдан, нимадан асраб қолган?

— Фашистан... Бунда ҳар бир дарахт фашистга қарши курашган. Ҳар бир дарахт аскарнинг, партизаннинг жонига ора кирган. Ўрмонлар бўлмаганда партизанлар бўлмас эди. Ўрмонлар жасур партизанлар тисмолида фашистнинг кўзидан ўтини олган, тинқасини қуритган. Йўқса, ит эмган газанда аллақачон Москвадан тумшуги тагига бориб турарди.

Ҳамроҳим елкамга қўқиб кўяди: — Ух, сени қара-ю, юз фозис қўшиламан. Топиб гапирдинг. Ўрмонлар ҳам жанг қилган. Менинг бобом, икки амаким урушнинг дастлабки кунлари ўрмонга қўқиб киришган. Партизанлар отрядига қўшилишган. Қирқ тўртинчи йилгача босқинчиларнинг додини беришган. Эҳ, нимасини айтасан, белорусларда бир гап бор: "Ҳеч бир хонадон эшиги йўқки, уруш тепиб очмаган бўлса..."

Мен ўйга чўмаман. Кўз ўнгимда киноларда кўрганим, китобларда ўқиганим уруш даҳшатлари, ўрмон ичидан гуррос-гуррос ўтаётган партизанлар сафи, озиқ-овқат, ўқ-дори ортланган аравалар, ертўлаларда инграган ярадорлар тепасида мижога қоммаган ҳамшираларнинг сўник қиёфаси намоён бўлади.

Туйқус... туйқус... Йўл ёқаси — ўрмон четидан осмондан қараган ортида кўксига қўрол, елкасида жангтўрва осган қорақўз, қорақош,

Иккинчи жаҳон урушида эришилган ғалабанинг 75 йиллиги олтидан



Фашист-газандалар шўрлик беларусь халқини кўз қўриб қулоқ эшитмаган қийноқларда азоблагани, ўлдиригани, қиргани ҳақида шундай тафсилоту маълумотлар борки, уларни кўрган, кузатган киши ақлдан озиши, жинни бўлиб қолиши ҳеч гап эмас.

БУ ЕРЛАРДА ОСМОН ЙЎҚ ЭДИ...

қорамағиз ўзбек ўғлини қараб турганини кўраман.

Ҳа, мен аниқ кўраман. У жилмайиб кўяди. Юрагим увишади.

"Планета" деган меҳмонхонага жойлашдим. Ўзбекистоннинг Беларусдаги элчихонасига, элчимизга, элчихона вакили Дониёр акага ташақкур айтман. Уруш ҳақида китоб ёзаётганимни билишган, ишлари қанчалик кўп ва тизим бўлишига қарамай менга катта ёрдам беришди. Расмийликдан холи, самимий ёрдам. Баённома-ю хат-қоғоз аралашмади. Худди ўз ватанимда юргандай эдим. Мени Беларусь Республикаси Ахборот вазирини, таниқли ёзувчи ва арбоб Аляксей Карлюкевич билан таништириб қўйишди. Аляксей ака билан суҳбат аввалиданоқ юлдузимиз тўқнашди — бир-биримизни тушундик, ёзувчилик яхши-да, унинг самимияти арбоблик сарҳадларини бузиб ўтди. Карлюкевич қаерга боришим, кимларга учрашим, қайси жойлардан манба йиғишим мумкинлигини зумда хал этди, ҳар бир куним режага тушди. Улов ажратди. Меҳмонхонага бир кучок китоб олиб келиб беришди. Ҳар замонда кўнгирик қилиб туришди, гоҳ вазирликдан, гоҳ элчихонамиздан: "чармадингизми, зерикмаёйсизми?" "Йўқ, ҳаммаси яхши: ёзаёпман, ёзаёпман!"

Уруш музейига бордим. Анча пайт ташқарида туриб қолдим. Ичкарига кириш олтидан ботиний бир тайёргарлик онларини бошдан кечирдим, негадир оёқларим зил-замбил эди, юрагимда алланечук оғриқ чўкиб ётгандай. Мен бу даргоҳ қаърида киши кўнглини остин-устун қиладиган, ларзага соладиган даҳшат қўруқликлар жон эканлигини билардим; бу жой ҳақида интернет орқали маълумотга эга бўлгандим. Сафар олтидан уюшмамиз раҳбари Сирождидин Сайид ҳам: "Энг аввало, сен уруш музейига киргин, айтишга тил ожиз мусибатларни ўз кўзинг билан кўриб, йилгайсан..." деганди. Хуллас, мен рўпарамдаги даҳшат олтида ўзимни бир пас чоғлаб, ўзимда совуқонлик туйғусини уйғотишга уриниб гўё бепарволик билан қадам ташлайман, қаёқда дейсиз, юрагимда алланечук безовталик ҳисси тўлқин уради. Музейдан чиқаётганлари кузатаман, барчасининг қадам олиши оғир, барчасининг нигоҳи маҳзун, худди оғир жанг ичидан мағлуб чиққан каби бошлар ҳам, айримларининг кўзларида ёш. Эшикка тиркалган ўриндида кепкасини қошигача бостириб олган жикактутамгина, озгин бир чол ўтирибди. У менга қизиксиниб қарайди.

— Нега ҳалидан бери жойингизда депсинасан, кирмайсанми? Ке, ўтир. Қизик чол экан-ку. Бунинг нима иши бор экан, кираманми, йўқми... — Узим шунчаки, — чолнинг ёнига чўкаман, — Сиз кириб-чиқдингизми, қандай бўлди? — дейман дабдурустандан.

Чол синчков назар ташлайди: — Нимаиди? Мен кирмайман. Ўғлим билан набирам кириб кетишди, ҳозир қичиб қолишди.

— Сиз нега кирмадингиз? — Сизга инсоният тарихининг қизиги йўқми, деган илдамони пайқаб қолган

чол хўмрайди: — Бундан ўттиз йил аввал бир кирганман, бу музейга. Мен бу ердаги даҳшатларни, мана бу жойга, кўксимга, юрагимга жойлаганман. Мен бу қўруқликларни болалигимда, олти ёшимда ўз бошимдан кечирганман. Менинг мана бу ерим (чол ўз кўксига кўрсаткич бармоғини ниқтайди) тир кўз музей. Унинг қопқоғини ҳар кунни зичлаш билан свораман. Қаёқда дейсан, ич-ичинда, қалбингда кўмилган хотира бўрони барибир қайта-қайта хаёлингизда тирлаверар экан. Энди тушунгандирсан, менинг ўзим музейман-ку, ўғлим...

— Ноўрин гапларим учун кечиринг, ота, — дейман мулзам бўлиб.

— Ҳечқиси йўқ, Бор энди, бора қол. Мен музей эшигини очиб ичкарига кираман. Қайгу-мусибатнинг чеки йўқ. Елқандан босган дард вужудингни зирқиратади. Танангга оғриқлик қилади. Уруш билан юзма-юз келасан. Ҳаёт ва ўлим оралиғида тош қотасан...

Пуховичи тумани маркази Марьяна-Горкадамиз. Журналист Анатоллий амаки иккимизни кекса Александр Александрович кутиб олди. У етмиш ёшда. Ҳаётини қилган, ҳозир нафақада. Пуховичи тарих музейида ишларкан. Йўл-йўлакай Анатоллий амаки иккимиз беларусларда тугулиш ҳаддан зиёд камайиб кетаётгани, қишлоқлар ҳувиллаб қолгани ҳақида кўйиниб гаплашмишди. Мен томоқ қирдим, уларнинг ўзларига тегишли оғриқли суҳбатини эшитиб бораётганимдан хижолат тортиб шундай қилдим.

— Бунинг ҳеч қандай сирлиги йўқ. Ёш авлод сени пас кетишда қари-қаранг, пенсионерларга тенг бўлиб қолади, — дейди Александр Александрович.

— Ҳозир мамлакатда аҳоли сони қанча?

— Тўққиз ярим миллион. Тасаввур қилинг, шунинг ярми кексалар. Аҳоли камайиб бормоқда, — деди қария.

— Сизлар урушда қирилиб кетган сизлар, — дейман оғир тин олиб.

— Нимасини айтасиз. Уч миллионга яқин беларуснинг ёстиғини қуритди уруш. 433 та қишлоқни фашистлар ёқиб, қулини кўкка совурди, одамларини қириб ташлади.

Машина ойнасидан ташқарига қарайман, кичик, ёғоч уйлар мунгайиб турган қишлоқнинг олов ичидан кўнпақун бўлиб, минг-минглаб одамларнинг борлиқни ларзага солиб дод-фарёд солишини тасаввур қиламан. Кўз олдим қоронғулашади.

— Биз ҳозир ўрмонга кирамиз. Партизанлар жанг қилган ҳудудга яқинлашамиз, — дейди Александр Александрович.

Уловимиз тор, лекин равон асфальт йўлда бепоён ўрмон оралаб юради. Борлиқ жимжит. Бироз ваҳимали. Атрофда на бирор техника, на бирор тирик жон кўзга чалинмайди.

— Бу йўлдан фашистлар ҳам юрганми? — сўрайман ҳамроҳларимдан.

— Бе, қаёқда. Улар бу ерга киришолмаган. Партизанлар қўл остида бўлган бу жойлар. Газандалар партизанлардан ўлғудай қўриққан. Адашиб-негиб кирса ҳам қўз югуртириб ерга ажал ҳайдаб келган...

— Партизанлар ичидан ўзбеклар ҳам кўп бўлган дейишадими? — билгим келади.

— Албатта. Ўзбеклар ҳам жанг қилган.

— Шулардан бири Мамадали Топи-болдиев. Жудаям мард, ёвқур жангчи бўлган. Совет Иттифоқи Қаҳрамони. Эшитганмисизлар?

— Адаммасам, Герасим Кирпич бошчилигидаги "Чекист" деб номланган партизанлар бригадасида жанг қилган, — дейди Александр Александрович. — Бу бригада ҳақида бизнинг музейимизда етарли маълумот ва фотолар бор.

**Александр Александрович йўл-йўлакай фашистлар қиринбарот қилган қишлоқлар ҳақида гапириб беради. Пуховичи туманига қайтиш йўлида тўхтаимиз. Машинани қолдириб ўрмон четига ўтамиз. Ўғорлик ўрнатилган. Фашистлар бу ерда 1 203 нафар одамни отиб ўлдиришган. Улар асосан кексалар, аёллару болалар эди...**

— Болалигим шу ерларда кўзиқорин териб ўтган. Онам менга у ёқларга борма, деб кўп тайинларди. Онамнинг айтишича, бу ерда бир неча кун ер остидан ихроқли нола эшитилиб, умумқабр сипланиб турган, — дейди Ольга Васильевна. — Болаларни бу ерга урушнинг даҳшатларини ўз кўзи билан кўришини, тинчликнинг қадрига етишини, тўқликка-шўхлик қилиб кечани тарихимизни унутиб юборишмасин, деган мақсадда тез-тез олиб келамиз.

Александр Александрович мени ўрмон ичкарисига бошлаб киради. Шу ҳудудда жанг қилиб ҳалок бўлган партизанларга ўрнатилган рамзий ёдгорлик ва қабр қаршисидан чиқамиз. Бошимизда, осмондан дарахтлар тепасидан бизни минг-минглаб нигоҳлар, жасур жангчилар руҳи кузатиб тургандай туюлади.

Фашист-газандалар шўрлик беларусь халқини кўз қўриб қулоқ эшитмаган қийноқларда азоблагани, ўлдиригани, қиргани ҳақида шундай тафсилоту маълумотлар борки, уларни кўрган, кузатган киши ақлдан озиши, жинни бўлиб қолиши ҳеч гап эмас. Ҳамроҳим Александр Александрович айтиб берган айрим даҳшатли воқеаларни кўз ўнгимда жонлантириб вужудимга минг-миллион игна санчилгандай сесканаман, бошимга оғриқ қиради. Шу пайтгача биз кўрган фильмлар, ўйган китобларимизда бу даражадаги ваҳшийликлар тўлиқ акс этмаганини англайман. Эҳтимол, бу ҳодисалар фильм ва китобларга сизмас, улар буларни кўтара олмас, эҳтимол, улар бизни аяшандар, эҳтимол, шундай бўлгани ҳам бир ҳисобдан тўғридир. Ён дафтаримда қайд этилган айрим хурчезликларга сиз ҳам кўз югуртиринг.

1942-1944 йиллар немис-

фашистлари беларусь халқидан ўч олиш мақсадида Могилёв, Минск, Витебск ва Гродненск вилоятларида 200 га яқин қишлоқларни ёқиб юборишди ва юз мингдан ортиқ одамни қириб ташлашди.

Хатинь қишлоғидаги фожиани ўз кўзи билан кўрган, тасодиф тудайли омон қолган темирчи Йосиф Каменский шундай эслайди: "Мени ҳам шу бостирмага олиб келиб қамашди. Қизчам, ўғлим ва хотиним ҳам шу ерда. Одам тиқилиб кетган. Мен қизалогимдан сўрадим:

— Нега кийиниб олмадингиз? — У жавоб берди: — Бизни бу ерга ҳайдаб киритишга бийимларимизни йиртиб ташлашди...

Одамларни дам-бадам ҳайдаб қиритишаварди. Кейин бостирма ичи қўлиб қимирлашнинг илоҳи қолмади. Ҳаво етишмасди. Шу пайт эшикларни зичлаб ёпишди. Бостирма томидан ўт қўйишди. Борлиқ одамларнинг оқ-фарёдига тўлиб кетди. Мен ўғлимни елкамга олиб "тепага интил", деб қичқирдим, томнинг ёригидан чиқиб қочиш мумкин эди. Ўғлим томга тармашди. Изидан мен. У беш метрлар чамаси юрган ҳам эдики, ўққа учди, пулемётдан отиб ўлдиришди. Бундай даҳшатли манзара, дод-фарёдни ҳеч бир инсон кўрмасин..."

Хатинь қишлоғида ўша кун, ўша саройда 149 нафар киши ўлдирилди ёки тириклайин ёниб кетди. Шулардан 75 нафари болалар эди...

Азиз ўқувчи! Мен ён дафтаримда қайд этилган урушнинг жирканч қиёфасидан айрим лавҳаларини келтириб ўтдим. Инсоният бошига мислсиз қулфат келтирган бу урушнинг ҳасратлари эса беадовқиб. Мақолам сўнгига, мен билан самолётда танишган Райхон холамининг манзилини топиб борганим, ул муҳтамак зотнинг хонадонига бир кун меҳмон бўлганим, холамининг ота-онасидан қолган эски альбомда акс этган Ўзбекистоннинг манзаралари, нон шаҳри Тошкент билан боғлиқ болалик фотоларларини кўриб кўзларимга ёш келганини айтиб ўтай. Айниқса, айни ёш наллари айтади: "Онамнинг болалиги бу. Манови аёл уни боқиб катта қилган иккинчи онаси. Онамнинг қўлида бир бурдагина зогора нон ушоғи бор... Онамдан сўраганимда: "Бу ўзбекларнинг энг ширин нони эди...", деб жавоб берган. Нимасини айтасиз, ланъати уруш йиллари ота-онамга, кўпчиликка Тошкент, Ўзбекистоннинг осмони бошпана бўлган. Бу ерларда... бу ерларда эса осмон йўқ эди..."

Мен титраб кетаман. Тошкентга қайтганимга қадар унинг "Бу ерларда осмон йўқ эди..." деган гапи қулоқларим остида жанранлаб турди. Мана, бугун ҳам жанранлапти.

МИЛЛИЙ МЕРОС

Олимжон ДАВЛАТОВ,  
филология фанлари бўйича  
фалсафа доктори

Кўхна ва ҳамisha навқирон Бухоронинг ҳар бир қарич ери улғу авлиёлар, мутафаккирларнинг табаррук қадамжосидир. Диний ва дунёвий билимларнинг энг пешқадам олимлари қаторида кубравийлик тариқатининг йирик намояндаси, мўғул хонларининг исломга киришига сабаб бўлган тасаввуф алломаси, авлиё, етук шоир ва олим Шайх Сайфиддин Бохарзий ҳам бор.



**БУХОРО**  
**БОХАРЗИЙ ШАРОФАТИ БИЛАН**  
**"БУХОРОИ ШАРИФ" ГА АЙЛАНГАН**

Шундай қилиб, ҳали ўттизга ҳам қирмаган Бохарзий Кубронинг энг пешқадам муридлари сафидан жой олади. 1220 йили мўғуллар Хоразмга ҳужум қилганда устозининг ишорати билан Бохарзий Бухорога келади.

Бухоро ҳам Хоразм каби мўғул босқинидан сўнг вайронага айланганди. Тарихчилар таъбири билан айтганда, мўғуллар Бухорога "қелдилар, ўлдирдилар, ёқиб юбордилар, қорат қилдилар". Халқ ана шундай пайтда маънавий раҳнамо, руҳий таянчга кўпроқ эҳтиёж сезади. Ҳижрат ва гарибликдан кўра, мазлум ва бечора халқи билан бирга қолишни афзал билган Бохарзий ҳар қандай ҳолатда Аллоҳни эсдан чиқармаслик, диёнат ва инсонийлик

чегарасини мустақкам тутиш тўғрисида ўткир ваъзлар қилади.

Натижада кубравия тариқатининг йирик намояндаси бўлган бу забардаст тариқат пири Мовароуннаҳр ва Хуросоннинг нафақат диний-тасаввуфий, балки ижтимоий-сиёсий ҳаётида ҳам обрўли инсонлардан бирига айланади.


Халқ орасида нуфузи баландлиги учун ҳам мўғул хонлари Сайфиддин Бохарзий билан ҳисоблашишга мажбур бўлган. Мункехон, Хулағуҳон ва Хубилайхонларнинг онаси Суюрқўқтабека Бухорода мадраса ва хонақоҳ қурдириб, шайхни унга мутавааллий қилиб тайинлаган, кўплаб қишлоқларни унга вақф қилган. Чингизхоннинг невараси — Олтин Ўрда хони Беркахон Бухорога келиб, унга мурид тушган, ислом динини қабул қилиб, Баракахон номини олган. Шу муносабат билан Бохарзийга "шайх ул-олам" — "олам шайхи" унвони берилган. Мўғул босқинига қадар "Қуббатул ислом" номи билан шўҳрат топган Бухоро Сайфиддин Бохарзийнинг шарофати билан "Бухорои шариф" дея аталадиган бўлди.

У ислом ўз моҳиятига кўра тинчлик дини эканини, маърифат ҳамisha жаҳолатдан устун келишини, илмга амал қиладиган одам Аллоҳдан бошқа ҳеч бир зотдан кўрқмаслигини ўз шахсияти орқали исботлаб берган. Бохарзий ва унинг ворислари туфайли мўғуллар ёлпасига исломни қабул қилиб, ўз одатлари ва динларидан воз кеча бошлайдилар. Бу илм ва маърифатнинг зулм ва жаҳолат устидан қилган улғу ғалабаси эди.

Беркахон даврига келганда, мўғуллар ислом мамлакатларининг учдан икки қисмини эгаллаб олгандилар. Аммо уларнинг исломга кириши Бағдод, Дамашк, Табриз ё Нишопурда эмас, балки айнан Бухорода амалга ошгани бу шаҳар вайронага айланган пайтда ҳам ислом динининг қуввати бўлганига ана бир муҳим далилдир.

Сайфиддин Бохарзий мақбараси Бухоронинг Фатҳобод маззасида жойлашган бўлиб, бугунги кунда зиёратчилар билан бағжум. У "Ишқ ва ақл", "Шарҳ ул-асмо ул-хусна" ("Аллоҳнинг гўзал исмлари шарҳи"), "Воқеаи хилват" ("Хилват воқеаси"), "Рўзнома" ("Кундалик"), "Васиятнома" асарлари ва "Рубоиёт" ("Рубоийлар") тўпламлари муаллифи ҳисобланади.

Бу йил Шайх Сайфиддин Бохарзий таваллудига 830 йил тўлади. ISESCO — Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича ислом ташкилоти томонидан 2020 йил Бухоро — ислом олами маданияти пойтахти деб эълон қилинганлиги ҳисобга олган ҳолда, мазкур тадбир ва тантаналар доирасида Бохарзийнинг ҳаёти ва фаолиятини кенг ёритиб берувчи тадқиқотлар яратилиб, бу зотнинг асарлари таржима ва нашр этилса, нур устига нур бўларди.



Бухоронинг Фатҳобод маззасида жойлашган Сайфиддин Бохарзий мақбараси

**БИР ТУП БЎЛСА ҲАМ КЎЧАТ ЭК**  
**ЯХШИДАН БОҒ ҚОЛАДИ**

Гулчехра ДУРДИЕВА,  
"Янги Ўзбекистон" муҳбири

Киш бўйи мудраб ётган она заминни кўккам насимлари уйғотиб юборди. Каҳратоннинг захри кетиб, табиат уйғонаётган шу кунларда ҳамма жойда ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ишлари бошланиб кетган.

Тадқиқотлардан маълум бўлишича, бир гектар майдондаги дарахтлар бир кеча-кундузда 220–275 килограмм карбонд ангидрид газини ютиб, 180–215 килограмм ксилород ажратади. Бу микдор ўртача 500 кишини кун давомида ксилород билан таъминлаш учун етарли. 4 та дарахт эса инсоннинг ксилородига бўлган кунлик эҳтиёжини қондиради. Демак, ўсимликлар дунёсини кўпайтириш ва муҳофаза қилиш инсоният учун жуда муҳим.

Юртимизда сўнгги йилларда кўкаламзорлаштириш, дарахтзор ва бутazorларни асраш ва кенгайтиришга катта эътибор қаратилмоқда. Биргина Тошкент вилояти мисолида бу ишлар кўлами қанчалик кенглигини кўриш мумкин. Жорий йилнинг феврал ойидан буюн вилоятнинг барча туманларида "Бир туп кўчат эк" акцияси давом этмоқда. "Биз дарахт кесмаймиз, биз дарахт экамиз" шiori остида хашарлар уюштирилиб, ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ишлари уюшқоқлик билан олиб борилмоқда.

— Вилоятимиз микёсида жорий баҳор мавсумида жами 26 миллиондан ортиқ манзарали ва мевали дарахт ўтказиш режалаштирилган бўлиб, ҳозирга қадар 2 миллиондан зиёд кўчат экилди. — дейди Тошкент вилояти ҳокими ўринбосари Ақмал Умаралиев. — Яъни кўнуга ўртача 400–500 минг туп кўчат ўтказилмоқда.

А-373 автомагистралининг Оҳангарон шаҳридан ўтадиган қисми ва Покент

туманида кўкаламзорлаштириш ишлари авжидалигига гувоҳ бўлди. Қибрай туманидаги 9-умумтаълим мактаби ҳовлиси ҳам яшил майдонга айлантирилмоқда. Бу ерда "Миллионга дарахт эк" акцияси доирасида 7 мингдан зиёд кўчат ўтказилди.

"Мен бир дарахт экаман" деб номланган янги лойиҳа Ангрена кенг қулоч ёйган. Шаҳарнинг Кимёгар маҳалласида муъжазгина боғ яратилиб, дастлаб 100 донга олма ниҳоли экилди. Худуднинг ҳар бир уйи олдида 5-6 туп кўчат ўтказилмоқда. Янги лойиҳа қамрови ошгани сари янги боғлар, кўкаламзорлаштирилган худудлар майдони ҳам кенгайиб боради.

"Яхшидан боғ қолади" акцияси доирасида Бўка туманида кўп ишлар қилинмоқда. Шу кунгача фермер хўжалиқлари далапарига қарийб 15 минг мевали ва манзарали дарахт кўчати ва 300 мингдан зиёд турфа гуллар қаламчаси ўтказилди.

Янгийул, Оққўрғон, Бўстонлик туманларида ҳам кўкаламзорлаштириш ва ободонлаштириш ишларининг кўлами кенг. Биргина "Бўстонликни обод қиламиз" акциясида бир кунда 5 минг аҳоли қатнашди, 100 минг тупдан кўпроқ кўчат экилди. Чинозда эса "Ҳар бир ёшга бир ниҳон" акциясида ёшлар юзлаб туп арча ҳамда мевали дарахт ниҳолларини экишди.

Энди асосий эътибор экилган кўчат ва ниҳолларни астойдил парвариш қилиб, тутиб кетишни таъминлашга қаратилиши керак.

**БОКС**



**ҒАЛАБА БИЛАН**  
**БОШЛАДИК**

Абдулхай ЮНУСОВ

Иорданиянинг Амман шаҳрида бокс бўйича Олимпиада ўйинларига йўлланма берувчи Осиё-Океания минтақасининг саралаш баҳслари давом этмоқда. Мусобақада қитъаннинг 35 мамлакатидан келган 221 нафар боксчи жами 63 та йўлланма учун рингга кўтарилди.

Баҳсларда ўз вазн тоифаларида Шаҳобиддин Зоиров, Мирзаизбек Мирзахалипов, Эпнур Абдураимов, Бобоусмон Батуров, Фанат Қаҳрамонов, Дилшодбек Рўзметов, Санжар Турсунов, Баҳодир Жалолов Олимпиада йўлланмаси учун кураш олиб бормоқда.

Аёллар терма жамоамиз таркибидан Турсуноў Раҳимова, Ёдгорой Мирзаева, Райҳона Қодирова, Мафтуна Мелиева, Навбахор Ҳамидова жой олган.

Баҳсларнинг илк кунинда -57 кг. вазнда рингга кўтарилган вакиламиз Ёдгорой Мирзаева хитой тайпейлилик рақибаси Ю Тинг Линга ҳеч қандай имконият қолдирмади. Шу тариқа, у ўз фаолиятидаги иккинчи Олимпиада йўлланмаси учун курашни муваффақиятли бошлади.

Жанларнинг иккинчи кунинда баҳсга киришган ҳамюртимиз Фанат Қаҳрамонов -75 килограмм вазн тоифасида мезбон боксчи Осамма Маждиди 3 раунд давомида тўлиқ устунлик билан мағлуб этиб, кейинги даврага йўл олди.

Яна бир боксчимиз Райҳона Қодирова ҳам Янги Зеландия вакиласи Трой Гортонни енгиб, чорак финалга йўл олди.

Эслатиб ўтамиз, мусобақа қоидаларига мувофиқ ярим финалга чиққан боксчи Олимпиада лицензиясига эга бўлади. Баъзи вазн тоифаларида чорак финалда мағлуб бўлган боксчилар ҳам йўлланма учун кураш олиб бориш имкониятини сақлаб қолади. Аёллар ўртасидаги мусобақада эса 5 та вазн тоифасида 22 та йўлланма тақдим этилади.

**ИБРАТ**

**ТЎҚСОН**  
**ИККИ ЁШЛИ**  
**КИТОБХОН АЯ**

Усмонали НОРМАТОВ

Бу йил тўқсон икки баҳорни қаршилаган Ҳайитгул момо Элмуродова узок йиллардан бери Термиз туманидаги "Солиобод" маҳалласида яшайди. Ёшлиқдан меҳнат қилгани учун анча чайир, зуваласи пишшқ. Айниқса, кўзлари равшан, уйи олдида ўтиб қолган маҳалладошларининг ҳар бирини узокдан таниб, исмини айтиб қақиради. Улар билан суҳбатлашиб кўнгли ёришади.



Қачон шу кўчадан ўтсам, момо китоб варақлаб ўтирган бўлади. Айниқса, очик, кўёшли кунлари уйининг орқасига чиқиб, пасткам тахта ўриндиқда ўтириб олиб, офтобруйда мутолаа қилади, газета ва журналларни кўздан кечириб чиқади.

Ҳайитгул момо ёшлиқдан китоб ўқишга, ўқиганда ҳам саралаб ўқишга қизиққан. У ёш бўлган кезлар ҳозирғидей қўлай шароитлар қаерда эди дейсиз, шунга қарамай, рўзгор юмушлари, болалар парваришидан вақт орттириб, китоб ўқишга улгурган. "Отадан кўрган ўқ йўнар, ондан кўрган тўн бичар", деганларидек, оналарининг китобхонлигига ҳавасланган олти нафар фарзанд — Хушбоқ, Муҳаббат, Маъруф, Дилбар, Розия ва Зиедулла ҳам бадийий адабиётга меҳр қўйиб улғайди. Ҳаммаси раҳматли отаси Паёғам Бўроновдек билимдон ўқитувчи бўлиб камолга етди.

— Ўтган асрнинг етмишинчи йилларида биз ёш эдик, ҳали қишлоқлар тўлиқ электрлаштирилмаган, онамиз кун бўйи далада ишлаб, қош қорайганда уйга қайтарди. Кела солиб, хамир қорар, тандирни қизитиб, нон ёпар, уст-бошимизни ювар, мазали таом пишириб едирарди-да, пилта чирокни ёқиб қўйиб, туннинг алламаҳалигача бизга қизиқарли ҳикоя ва эртак китобларни ўқиб берганини кечагидек эслаيمان, — дейди момонинг қизи Муҳаббат Бўронова. — Китоб қаҳрамонларининг тақдирини, бошидан кечирганларига ачинаиб йиллардик ва онамиз ўқийётган ҳикоялар тугамай, воқеалар қандай хотима топишини сабрсизлик билан кутардик. Китобни ўқиб бўлгач, бизлардан асар ҳақида хулосаларимизни айтиб беришни талаб қиларди. У кишининг қаттиққўлиги туфайли ҳаммамиз илм эгаллашга қизиқдик, олий маълумотли мутахассислар бўлиб етишдик.

Айни пайтда Ҳайитгул момо катта қизи Муҳаббат опа билан бирга яшайди. Муҳаббат муаллиманинг айтишича, талабалик, ўқитувчилик ва директорлик даврида тўплаган китоблари 500 тадан ортиқ. Шу китобларнинг барчасини момо ўқиб чиққан. Яна ҳар ҳафта момо учун янги газеталар харид қилинади. Хонадонларининг ёнгинасидаги 6-умумтаълим мактаби кутубхонасидан китоблар келтириб беришади. Момо эса невараларини ёнига ўтқизиб, ўқиган китобларидаги воқеаларни ҳикоя қилиб беришдан сира чарчамайди. Унинг

китобхонлик фазилати невараларига ҳам ўтган.

— Қадимда одамлар баҳорга етсак, оғзимиз кўкка тегса, оч қолмаймиз, дея ният қиларкан, — дейди Ҳайитгул момо. — Яратганга шўкр, баҳорга етказди. Қишлоқда, ён-атрофда тенгдошларим қолмади ҳисоб, гурунглашадиган бўйинсаларим йўқ. Кексайган сайин тунлари қушуйқу бўлиб қоларкан киши. Шу боис, вақт ўтиши учун китоблар ўқийман, уларни яхши суҳбатдош, дўстларимдек қадрлайман ва невараларимни ҳам мутолаага даъват қиламан. Албатта, китоб ўқиш учун, аввало, одамнинг кўзи равшан кўрмоғи керак. Билмадим, ёшлиқда ота-онамиз илгимизни тўқ қилиб ўстирган эканми, ҳозир ҳам харфларни кўзойнақсиз тиниқ-равшан кўраман ва қийналмай ўқийман.

**Айрим китобларни воқеасига қизиқиб қолиб, икки-уч кунда ўқиб тугатаман. Президентимизга ташаккур, китобхонлар ўртасида танловлар ўтказилапти, энг кўп китоб ўқиган ёшларга сара китоблар ва автомашиналар тухфа қилинапти. Афсус, ёшлигим ўтиб кетди-да, бўлмаса мен ҳам танловларда қатнашиб, ғолиб бўлардим.**

Китоб ўқиган, унга ошно тутинган ўғил-қиздан ҳеч қачон ёмонлик чиқмайди, ақли, одобли, ватан қорига ярайдиган инсонлар бўлиб камол топади...

Момо билан қанча суҳбатлашманг, асло зерикмайсиз, сўзлари доно, фикрлари теран, тинглаганингиз сари кўп нарсани англаб етасиз. Навоий, Лутфий, Бобур газалларидан, Умар Ҳайём рубоийларидан намуналар айтиб, Қодирий, Чўлпон асарларидан ҳикоялар сўзлаб суҳбатдошнинг ҳавасини оширади. Бўш вақтини худа-беҳуда ўтказадиган, соатлаб телефонга тикиладиган, кўлига китоб олса, ухлаб қоладиган айрим ёшлар китобхон момодан ҳар қанча ибрат олса, ўрганса арзийди.